

Bizning vazifamiz – to'plangan tajriba va ilg'or xalqaro amaliyotga suyangan holda, o'zimizning taraqqiyot va yangilanish modelini qat'iy amalga oshirishdan iborat.

Shavkat MIRZIYOYEV



САНОАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 июль кунги Тошкент вилоятига ташриф буюрди.

Тошкент вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, ривожланган транспорт коммуникациялари билан мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутди. Вилоятда кимё саноати, нефть-кимё, қора ва рангли металлургия, электротехника, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш каби замонавий саноат тармоқлари яхши ривожланган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 13 апрелдаги фармонида мувофиқ ташкил этилган «Ангрен» махсус индустриал зонаси бу борадаги салоҳиятдан тўла фойдаланиш, юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишда муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги фармонида мувофиқ ушбу ҳудуд «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси, деб аталди, имкониятлари ва имтиёзлари янада кенгайтирилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 20 сентябрь кунги Ангрен шаҳрига ташриф буюриб, ушбу зонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик инвестиция лойиҳалари билан танишган эди.

Улардан бири Хитойнинг «Поли техноложиз» компанияси билан ҳамкорликда конвейер лентала-

ри, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Лойиҳага кўра, йилига 100 минг погон метр конвейер лентаси, 200 мингта қишлоқ хўжалиги техникаси шинаси, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Президентимиз Ангрен шаҳрига ташриф буюриб, мазкур лойиҳа ижросининг бориши билан танишди.

Конвейер лентаси ва шиналар саноат, қишлоқ хўжалиги, умуман, одамлар ҳаёти учун энг зарур маҳсулотлардан ҳисобланади. Улар ҳозирча хориждан олиб келинмоқда. Бу товарларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш импорт ўрнини тўлдириш, валюта маблағларини тежаш, шу билан бирга, экспортдан фойда топиш имконини беради.

Бу завод мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга, деди Президентимиз. Бу ерда жаҳон стандартларига мос, юқори сифат ва кенг номенклатурадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлади, ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Заводда «Vars» бренди остиди 21 хил ўлчамдаги автошиналар ишлаб чиқарилади ва «ЖМ Ўзбекистон» қўшма корхонасига етқа-

зиб берилади. Қишлоқ хўжалигида энг кўп прицеп шинаси ва тракторнинг олд шинасига эҳтиёж сезилади. Корхонада тайёрланадиган ушбу маҳсулотлар – 140 минг дона прицеп, 60 минг дона трактор шиналари деҳқон ва фермерлар ишига мадад бўлади. Конвейер лентасининг ҳам икки хили – резина матоли ва резина тросли турлари ишлаб чиқарилади. Ички бозорни таъминлашдан ташқари йилига қарийб 60 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари завод хомашёсини маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси ишга тушгач, ушбу заводнинг 50 фоиз хомашёсини етказиб беради. Шу билан бирга, хомашёнинг муқобил манбаларини излаш, хусусан, юртимизда кучуч олинадиган дарактларни етиштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Завод ишга туширилгач, 1 минг 200 га яқин киши иш билан таъминланади. Ёшлар замонавий технологияларни эгаллаб, малакали кадр бўлиб шаклланади. Ҳозиргача 68 мутахассис Хитойда малака ошириб қайтди. Корхона учун мутахассислар аниқ, манзилли асосда тайёрланади.

Президентимиз «Поли техноложиз» компанияси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хусусан, имкони-

ятларни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти билан 10 йиллик стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда заводда қурилиш-монтаж ишлари жадал давом этмоқда. Режага кўра, жорий йилнинг 1 сентябрь кунги корхонада биринчи шина ишлаб чиқарилади ва халқаро стандарт олиш учун синовга тақдим этилади.

Шу ерда қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси ва нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, Тошкент вилоятидаги бўш турган биналардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди, хомашёни ва бозорини суриштирди. Корхоналарни ишга туширишда сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш, энергия сарфини камайтириш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Тошкент вилоятидаги бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари негизда 18 кичик саноат зонаси ташкил этиш режасига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда.)

Кўзингиз ҳамини ойдин бўлсин!

Бундан ўн йилларча муқаддам хизмат тақозоси билан Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот, Мўйноқ туманларида бўлганман. Режадаги ишлар бир нуқтага келганида, тушликка тақлиф қилишдида, ёшгина бир қиз қўлимни ювдириш учун човгумда сув тутди.

— Ўзимга бера қолинг, синглим, — дея човгумга қўл чўздим. Ҳаво жуда иссиқ эди, ўзим хоҳлаганча шошилимай юз-қўлимни ювиб, салқинлаб олмоқчи эдим. Қиз раъиймни қай-

тармай човгумни берди-да, андак хижолатомуз деди: — Опа, илтимос, қўлингизни анови қовжираб турган гулнинг остига ювсангиз, ҳарна, озгина бўлса-да, сув ичарди.

Бирдан ҳушёр тортганман ўшанда. Оппоқ кўпик мавжларида чағалайлар ўйнаган тўлқинларидан ажраган, бағридан боласи юлиб олинган онадек гариб бўлиб қолган Орол,

унинг қумликларида тўнкарилиб ётган, жазирамада ёрилиб, сарғайиб, ранги билинмай кетган, қабрдек дўмпайган қайиқчалар кўз олдимга келган. Қўлимни чайганим — икки-уч ҳовуч сувни ҳам ўша толчиқдай қиз айтган гул остига тўкканман. Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ўша воқеани эсласам ҳануз юрагим ўртанади.

(Давоми 3-бетда.)

Yozuvchilar uyushmasi yo'llanmasi bilan

Мутахассислар болага кичик ёшдан бошлаб китоб ўқиб бериш, уни китоб билан дўстлаштириш лозимлигини таъкидлашади. Агар ота-оналар уйда кичик кутубхона ташкил этиб, мутолаа муҳитини яратса, болалари келажакда маънавиятли ва маърифатли инсон бўлиб етишади.

7 номдаги янги қўлланма

МТМга қамраб олинмаган болаларни китобхонликка ўргатиш ва мактабга тайёрлашда зарур манба

Халқ таълими вазирлиги томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда Таълимда глобал ҳамкорлик ташкилоти гранти асосида амалга оширилаётган «Мактабгача ва умумий ўрта таълимни ривожлантириш» лойиҳаси айна шу мақсадга қаратилган. Лойиҳа доирасида қишлоқ жойлардаги мактабгача таълимга қамраб олинмаган 3–6 ёшли фарзандлари бўлган оилаларга 7 номдаги китобларни бепул тарқатиш кўзда тутилган.

(Давоми 5-бетда.)

Тўйга тўёна билан

Таълим муассасамизда "Олимпиадачилар мактаби" тўғраги ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар турли олимпиадаларда ютуқларга эришган соhib ўқувчиларимиз уларнинг ортдан келатган укаларига назарий ва амалий жиҳатдан фан сирларини ўргатишмоқда.

8-9-бетлар



Жадал тараққиёт ва янгилаш модели

15-бет

11 ёшли

Жавоҳир Синдоров

Шахмат бўйича халқаро мастер (IM) талабини бажарди!



САНОАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент вилоятининг эртанги куни бу – саноат, деди Шавкат Мирзиёев. Ушбу майдонларда кичик-кичик корхоналар ташкил этиб, уларнинг оёққа туриб олишига кўмаклашиш, қандай махсулот ишлаб чиқаришни бозор талабини ва импортни ўрганиш асосида белгилаш, кейинчалик уларнинг фаолиятини кенгайтириб бориш зарур. Бунинг натижасида минглаб иш ўринлари яратилади, молиялаштириш базиси ҳам кенгайди.

Президентимиз хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда «Ангрен» эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўзбегим отлари» от заводи фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда йилкичилик ва от спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, мазкур соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш орқали наслдор, спорт ва хизмат отларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

«Ўзбегим отлари» от заводи 1992 йил ташкил этилган бўлиб, майдони 140 гектардан ортиқ. Завод қадимий от зотлари, жумладан, Ахалтака тулпорларини парвариллаш ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Бугунги кунда бу ерда 300 га яқин от парвариланмоқда.

Тарихий манбаларда келтирили-

шича, Ахалтака зотли отлар бундан беш минг йил муқаддам пайдо бўлган. У Осиё халқларининг ёзма манбаларида само тулпорлари, аргумок, учкур айғирлар, дея таърифланган. Тошбитиклар, қояларда сақланиб қолган суратларнинг гувоҳлик беришича, Ахалтака аргумоклари қадимда ҳозирги Фарғона водийси, Хоразм вилояти худудларида учраган. Бу отлар Туркманистонда кенг тарқалган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов совға қилган «Дўстхон» лақабли зотдор от тақдим этилди.

От заводида зотдор отларни кўпайтириш, соҳада наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган истиқболли лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Паркентсой сувидан унумли фойдаланиш лойиҳаси билан танишди.

Хар қарич ердан унумли фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Томчилатиб сугориш усулини кенг жорий қилиш, тоқзорлар орасига қишлоқ хўжалиги махсулотлари экиш кераклиги қайд этилди.

Паркент шаҳрининг бош режаси ҳақида сўзлаб берилди. Бундан ташқари, Паркентнинг экологик тоза худудларида дам олиш ва соғломлаштириш масканларини жойлаштириш бўйича таклифлар билдирилди. Қурилаётган дам олиш зоналари энергиятежамкор бинолардан иборат бўлади.

Президентимиз Паркентнинг энг сўлим жойида адиблар учун 50 уй қуриб бериш керак, деди. Улар ижод қилиши учун шaroит яратиш зарур.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятининг асосий туристик йўналишлари намойиш этилди. Вилоят

худудида Чимён оромгоҳи, Чорвоқ сув омбори, Ихнож, Урунғач, Шо-вор, Бодак кўллари бор. Вилоятда 45 меҳмонхона, 4 турооператор, 71 санаторий, 1 қўриқхона, 5 ўрмон хўжалиги мавжуд. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича режалар, 2017-2018 йилларда вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг асосий кўрсаткич прогноз параметрлари тақдим қилинди. Чимён оромгоҳида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун 500 ўринли замонавий меҳмонхона мажмуаси лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур худудда замонавий осма йўл қуриш лойиҳасига ҳам эътибор қаратилди. Узунлиги 2 километр бўлган, 26 кабинадан иборат осма йўлни 10 ойда қуриш мўлжалланмоқда.

Президентимиз Бўстонлик тумани «Хўжакент» маҳалла фуқаролар йиғини худудида қуриладиган «Кўш-Чинор» меҳмонхона мажмуаси лойиҳасини кўздан кечирди. Мажмуадан 130 ўринли меҳмонхона, 60 ўринли ресторан, соғломлаштириш маркази ва хизмат кўрсатиш шох-балчалари ўрин олган.

«Амирсой» тоғ-чанги дам олиш маскани бош режаси лойиҳаси замонавий ечимлари ва кўлами билан ажралиб туради. Бунда йилнинг турли фаслларида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган тизим яратилади.

Президентимиз Тошкент вилоятининг сайёҳлик салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Шундай шарoит бўла туриб, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаяпмиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида тажриба сифатида меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича таклифлар тақдим қилинди. Бунда аазалий урф-одатларимиз асосидаги

тадбирларга сайёҳларни жалб этиш, уларга миллий таомлар тайёрлаш жараёнини намойиш этиш ва бошқа қизиқарли тадбирларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари лойиҳаси билан танишди. Вилоятда бу борадаги кенг қўламли ишларни янада жадаллаштиришда Президентимизнинг 2017 йил 20 июлдаги «Тошкент вилоятининг маъмурий-худудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент вилояти худудидан ўтувчи Тошкент – Сирдарё автомобиль йўли бўйида янги турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши мўлжалланган. Зангиота, Чиноз ва Янгийўл туманлари худудидан ўтувчи йўл бўйида уй-жойлар қурилиши ва жойлашуви лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Тошкент вилояти туманлари ва шаҳарларида 5 ва 7 қаватли замонавий уй-жойлар қурилади.

Тошкент вилоятининг маъмурий маркази йўқ эди. Ҳозирги кунда Тўйтепа шаҳрини вилоятнинг маркази сифатида қайта қуриш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада хориждан архитекторлар таклиф қилинган. Тўйтепа шаҳрининг бош режаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Президентимиз лойиҳа билан танишар экан, Тошкент – Тўйтепа йўли атрофида замонавий уй-жойлар қуриш, ижтимоий соҳа объектларини замон талаблари даражасида барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎЗА

Атоқли давлат арбоби ва адибни ёд этиб

Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилоятида ҳам ушбу сана муносабати билан турли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шароф Рашидовнинг Сурхондарё воҳаси ва унинг меҳнаткаш, бағрикенг одамларига меҳр-муҳаббатини вилоят аҳолиси юксак қадрлайди. Шароф Рашидов ташаббуси билан амалга оширилган йирик бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари худудни ривожлантириш, аҳоли яшаш шарoитини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этганини фахр билан эслайди.

– Университетимизда ўтказилган тадбирларда олимлар, профессор-ўқитувчилар Шароф Рашидов республикамизга раҳбарлик қилган йиллардаги ўта қалтис вазият ҳақида талаба-ёшларга атрофчила маълумот берди, – дейди Термиз давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Мамат Ҳайдаров. – У кишининг шундай оғир йилларда республикани ривожлантириш, халқимиз турмуш шарoитини яхшилаш борасидаги эзгу ишлари, сермахсул бади-

ий ижодининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тарғиб этилди. Бундай тадбирлар ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоҳларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган вилоятда «марказ»дан янги ерларни ўзлаштириш, кўпроқ пахта етиштириш талаб этилган. «Юкори»нинг топшириқларини бажариш баҳонасида у киши аввало халқимиз манфаатини ўйлаб иш юритган. Масалан, сув тақчиллигини рўқач қилиб, худудларни обихаёт билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратган. Шу мақсадда Қумқўрғон туманида «Жанубий Сурхон», Жарқўрғон туманида «Оқтепа» сув омборлари қурдирган. Чўлга насос ёрдамида сув чиқартириб, янги қишлоқлар, аҳоли пунктлари барпо этилган. «Аму-Занг», «Бобот» сингари каналлар қаз-

дириб, Амударё сувини «Жанубий Сурхон» сув омборига келтирган. Обихаёт билан таъминланган адир ва яйловларда аҳоли фақат гўза парварлиги билан шугулланиб қолмай, полиз, мева-сабзавот ва бошқа зироатлар етиштиришни ўзлаштирган. Янги боғ-роғлар яратилган.

Халқимизнинг оташқалб фарзанди бошқарувнинг барча жиловлари «марказ»да бўлган ўша оғир йилларда узоқни кўзлаб, оқилона ниҳат юритганини вилоятда пахта майдонларини кенгайтириш баробарида, қишлоқларда ўсиб бораётган аҳолининг уй-жой, томорқага бўлган эҳтиёжини қондириш, оилалар турмуш шарoитини яхшилашга йўналтирилган ишларида ҳам кўриш мумкин.

– Ўша оғир йилларда ҳар бир қарич ер марказнинг ҳисобида бўлган, рухсатсиз бирор мактаб ё боғча ҳам қуриш мумкин эмас эди, – дейди Термиз давлат университети профессори Сайфулло Турсунов. – Тарихчи олим сифатида вилоятнинг ирригация-мелиорация тармоғини

ривожлантириш билан боғлиқ ишларни ўрганганман. «Жанубий Сурхон» сув омбори, Жарқўрғон сув ўтказиш гидроузели, Занг каналининг бош қисми қурилиши 1966-1970 йилларда Сурхон-Шеробод чўлларида 42 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини берган. Ботқоқ ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонларига айлантилган. Мева, узум, сабзавот, полиз етиштириладиган майдонлар кенгайтирилган. Мисол учун, 1966 йилда Жарқўрғон туманидаги Норали Боймуродов номли хўжалик 194 тонна сабзавот, 115 тонна узум ва мева етиштирган бўлса, кейинги йили бу кўрсаткич қарийб 500 тоннага етган. Шароф Рашидовнинг оқилона ҳисоб-китоби билан воҳада ирригация-мелиорация тизимининг ривожлантирилиши «марказ»нинг пахта хомашёсига эҳтиёжини қондириш асосида фақат гўзага қараб косаси оқармаган дехқоннинг турли озиқ-овқат экинлари етиштириб, қўшимча даромад олишига қўлайлик яратган. Албатта, омилькорлик билан амалга оширил-

ган улкан бунёдкорлик ишлари ўша даврда раҳбардан катта жасорат ва матонат талаб этар эди. Эл-юрт равақи, фарзандлар келажаги йўлида катта ишлар қилган фидойи раҳбарнинг номи вафотидан кейин қораланди. Ўзи садокат билан хизмат қилган тузум унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиши таъкидлади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов республикага раҳбар бўлиб келгач, вазият тубдан ўзгарди. Йирик давлат арбоби ва атоқли адибнинг номи қайта тикланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорини халқимиз катта мамнуният билан қутиб олди.

Маҳалла, таълим муассасалари, корхона-ташкилотлар ва ҳарбий қисмларда ташкил этилаётган хотира тадбирларида Шароф Рашидовнинг нафақат раҳбарлик қўбияти, балки сермахсул ижодий меросини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

2017-yil 22-iyul, № 58 (9019)

Кўзингиз ҳамини ойдин бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу йилнинг 1 июль санасида бир ҳўплам сувни ҳам исроф қилгиси келмаган ўша кизни яна ёдга олдим. Фақат унинг улғайган вужуди, бодом қовоқлари остидан боқаётган хиёл қисқ қўзларида ўлчовларга, сўзларга сиғмас бир қувончни кўргандай бўлдим. Чунки ўша унутилмас санада мўйноқликларнинг ерлари, майса-гиёҳларидан ҳам аввал кўнгли яшнади. Сувга ташна бўлиб, сахродаги гиёҳдек хансираб ётган дилларига ҳаловат инди.

Мамлакатимиз раҳбари шу йилнинг 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида 25 мингдан зиёд аҳолиси бўлган Мўйноқни тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг муқаррар имкони борлигини айтган эди. Кўп ваъдалар эшитиб кўп кутган, кутиб ўйланган сабр-бардошли Мўйноқ халқи бу гал кўп кутмади. Олти ойнинг нари-берисида сув келди. Бош пудратчи “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли “Махсус механизациялашган йўл станцияси” корхонаси томонидан 26 миллиард сўмлик иш бажарилди. Оналар биллур томчилар фаввора бўлиб отилаётган қувурларга гўдақларини азот кўтариб тутдилар. Момолар дока рўмоллари учидан мижбаларидаги ёшларини артиб, боболар кўз ёшини яшириб сув келтирган азизларни дуо қилдилар.

Қорақалпоғистон ўзгармоқда, янгиликларда. Янги қурилиб ишга тушган темир йўллар, Қўнғиротдаги сода ишлаб чиқарувчи замонвий ишлаб чиқариш услубига эга завод, шунингдек, замонвий инфратузилма объектлари... Барчаси дунёдаги энг замонавий технологиялар, сўнгги русумдаги ускуналар билан таъминланган. Лекин бу кўнча дийрда нималардир жуда қадим. Бу қадим, кўнглигагина тушунарли руҳиятни Аёққалба, Тўпроққалба каби шавкатли аждодлар ҳаётидан ёдгор қўрғонларни кезганда, “Қизқетган” соҳиллари ёқалаб юриб, “Дамбермес” куйининг жонбахш оҳанглари тинглаганда, Аунинг новотранг тўлқинларига термулиб хаёллар сочилганда ҳис қиласан, киши. Яна, бу қадим руҳият аъналарга бой, қадриятларига содиқ донишманд элнинг ривоятлари, ўзаро суҳбатларда қўлайдиган ҳикматли сўзларида ҳам намойён бўлади.

Дейлик, Жайхун бўйларидаги бир хонадонда яшовчи ёши саксонни қоралаган Каримбергян исми отахондан:

— Қорақалпоғистонда бир ҳовуч донга етиш учун белинг букилгунча меҳнат қиласан, деясиз. Болаларингиз катта-катта шаҳарларда яшашар экан, нега ўз вақтида уларга эргашиб кета қолмадингиз? — дея ўсмоқчилаб сўрасам, биласизми у киши нима деганди:

— Э, чироғим, меҳнатдан қўрқмаслик керак. Қўрқоқлик — бaxtsizlik белгиси. Ватан дегани онадир. Ахир, онанг ёнингда бўлса, ҳеч нарсадан қўрқмайсан-ку, ботир бўласан-ку!

Ён дафтаримга сафар чоғи катта-кичик давраларда эшитганим “Кексалардан ажралиш ақл-донидан ажралиш дегани”, “Одамзод осмонга чиқиб учун ҳам ер-

дан қувват олади” каби ибратли гапларни ёзиб олдим. “Қорақалпоқ элида кўп нарса янги, лекин нимадир, нималардир қадим”, деган хулосага сабаб шуки, сочларига кумуш чўлпи таққан, духоба камзуллар кийган момолар ҳам, жиякли чопондаги боболар ҳам тарихларини, урф-одатлари, ҳатто

“Одамнинг иккинчи юраги кафти, шунинг учун дўстлик риштасини боғламоқчи бўлганлар бир-бирига кафтини туттади. Кафт кафтга текканда, кўнгли мумдек эриб, бир-бирига боғланади...” Бунақа гаплар, яна донишмандона хулосаларга йўғрилган ривоятларни тинглаганимда ўзимча сафаримнинг асл мақсади — Халқ қабулхоналарига қадам-бақадам яқинлашаётгандек эдим. Ахир, халқ руҳиятини билмай, Халқ қабулхонаси ҳақида чинакам тасаввурга эга бўлиш мумкинми?

ривоятларини яхши билишади. Ўрни келганда сизга жуда ўхшатиб айтиб ҳам беришади.

“Одамнинг иккинчи юраги кафти, шунинг учун дўстлик риштасини боғламоқчи бўлганлар бир-бирига кафтини туттади. Кафт кафтга текканда, кўнгли мумдек эриб, бир-бирига боғланади...” Бунақа гаплар, яна донишмандона хулосаларга йўғрилган ривоятларни тинглаганимда ўзимча сафаримнинг асл мақсади — Халқ қабулхоналарига қадам-бақадам яқинлашаётгандек эдим. Ахир, халқ руҳиятини билмай, Халқ қабулхонаси ҳақида чинакам тасаввурга эга бўлиш мумкинми?

Амударё, Манғит...

Иккови ҳам қадим ном. Майлида, Жайхун номидан кечиб, не сабабдан Аму деб аталган бўлса-да, дарё ўша-ўша. Унинг ёқасида истиқомат қилувчи халқ ҳам ўша-ўша. Йўқ, бироз янглиш кетдим, шекилли. Амударё туманининг бугунги киёфаси, бугунги салоҳиятини кўрсатувчи мана бу рақамлар “ўша-ўша” сўзига сиғмайди: “...Туманда 8 та коллеж, 1 та академик лицей, 83 та мактаб, 37 та мактабга таълим муассасаси, 1 та стацияор, 1 та кўп тармоқли поликлиника, 19 та ҚВП, 7 та маданият маркази, 10 та суний қўлламали футбол майдони... бор”.

Амударёликларга хизмат кўрсатаётган тиббий, маърифий, маданий муассасалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Истиқлол йилларидаги фидокорона меҳнатлари боис “Меҳнат шўҳрати”, “Дўстлик” каби нуфузли орденларга, “Жасорат”, “Шўҳрат” медалларига муяссар бўлган, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” каби макомларга эришган талай амударёликлар борки, буларнинг ҳаммаси инсонга эътибор, қадр деган адолатли муносабат самарасидир. Одамларда яшашга иштиёқ уйғотиладиган, бугуни ва келажакка ишончини мустаҳкамлайдиган яна бир омил борки, бу кишиларга қалбдан, руҳан яқинлашиш, уларнинг кўнглини сўраш. Жайхун бўйларида одамлардан оддийгина қилиб:

— Ничиксиз энди? — деб ҳол сўралади. Ана шу биргина саволда қардошлиқ, қондошлиғу раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббат — Яратган одам боласи қалбига илинган барча ҳароратли туйғулар мужассам.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхоналарига жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатлар таснифи”...

Мен сафардан кўзланган асосий мақсадга мана шу сарлавҳа билан ўтмоқчи бўлдим. Сарлавҳа остига “2017 йил 6 июль санасига”, деб кунни ҳам қайд этдим. Сўнг “суд масалалари бўйича 255 та, ички ишлар фаолиятига оид 549 та, прокуратурага 418 та, алимент масаласига оид 184 та мурожаат” дея умумий рақамларни ёза бошладим, кўз олдимга ўша рақамлар орқасидаги инсонлар, улар билан кечган савол-жавобларим келди. Айнан ўша савол-жавобларни келтирсам, рақамлар жонланиб, ўқувчиларга юрак овозлари, қалб нидолари эшитиладигандек туюлди.

— Маҳмуд оға (у кишининг фамилияси Сафарбоев, Амударё тумани Янгиобод маҳалласида яшайди), ўлгингиз Жавлоннинг саломатлиги бўйича туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилган экансиз, сўровингиз натижаси сизни қаноатлантирдими?

— Дунёда нима ёмон? Одам қаторида саналмаслик ёмон. Нима яхши? Ўзингиз қаторда кўрганингиз яхши. Муҳтарам Президентимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган даввати туфайли ҳаммамиз — мен каби қоровул ҳам, фаррош ҳам, тандир-

“Мен — қоровул, онаси — фаррош, кўққайган икки хонали уйимдан бўлак ҳеч вақом йўқ. Болам эса кундан-кунга тўшакка михланиб боряпти. Пешонамдан айланай, бaxtsizlik ичидан бахт топган мен бўлсам керак. Давлат ҳамма сарф-харажатларни тўлаб, мутахассис назоратида боламни Москвага юбормоқчи. Ҳозир муолажа бошланган. Эҳтимол, оёғини кесишсам, эҳтимол... Нима бўлгандаям ўзи омон қолса, бас! Ўла-ўлғунимизча оиламиз билан шу юртга хизмат қиламиз”.

чию пахсакаш ҳам қаторга кирдик. Туман раҳбарлари ҳафтанинг шанба кунлари маҳаллаларда юриб, одамларнинг уй шароитларини ўрганади. Қайси оилада бир фойдали иш бўлса, бошқаларга ҳам ўргатади. Хиёлатли гап бўлса, тузатишга киришади, — дейди суҳбатдошимиз. — Биз ҳам кўксимиз кўтарилиб қолганидан қувониб юрсак, фалокат оёқ остидан чиқди. Коллежда ўқийётган ўғлимиз Жавлонбекнинг оёғида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Дўхтир, табиб дегандек имконимиз борича учрадик, фойдасини билавермадик. Шунда кўни-кўшиллар: «Президент қабулхонасига боринг, нажот ўша ерда», дейишди. Аввал: “Арз-додга ўшамасмикан, ахир, нон-тузимиз етиб турибди, сувимиз бор”, деб хижолат бўлдик. Кейин боламнинг ранги синиқиб, оғриққа чидай олмай

қолганини кўриб, Халқ қабулхонасига боришга жазм қилдим. Қабулхона раҳбари Эркин Ражабов мен билан дилдан суҳбатлашди. Аввалига ўғлим шаҳар марказида текширувдан ўтиши учун амалий ёрдан кўрсатилди. Тиббий назоратдан сўнг текзорлик билан Тошкентга юборилди. Чўқур текширувдан ўтдик. Боламнинг оёғида ўсма бор экан. Москвага бориб муолажа қилинса, оёғи кесилиб, ҳаёти сақланади, дейишди. Чўнтакка эмас, ақлга ҳам сиғмайдиган сарф-харажати айтишди. Мен — қоровул, онаси — фаррош, кўққайган икки хонали уйимдан бўлак ҳеч вақом йўқ. Болам эса кундан-кунга тўшакка михланиб боряпти. Пешонамдан айланай, бaxtsizlik ичидан бахт топган мен бўлсам керак. Давлат ҳамма сарф-харажатларни тўлаб, мутахассис назоратида боламни Москвага юбормоқчи. Ҳозир муолажа бошланган. Эҳтимол, оёғини кесишсам, эҳтимол... Нима бўлгандаям ўзи омон қолса, бас! Ўла-ўлғунимизча оиламиз билан шу юртга хизмат қиламиз.

Маҳмуд оға қўзда ёш билан айтиди бу гапни. Эрак кишининг кўз ёши билан айтган аҳди — онга тенг. (Тошкентга келган, Сафарбоевлар оиласининг тақдирини суриштирдим. Ҳозир ота-бола Москвада экан, муолажа бошланибди. Илоҳо, хосиятли, хайрли бўлсин).

— Гулкамар, аҳойиб исмингиз бор экан, бунақа исми биринчи эшитишим. (Гулкамар Худойберганава Манғит шаҳарчасининг “Шўрчи” маҳалласида яшайди). Сизнинг ҳам Халқ қабулхонасига мурожаатингиз ижобий ҳал бўлган экан-а?

— Мен ўқитувчиман. Абдулла Қодирини ўқиганман. Отабекнинг отаси Юсуфбек ҳожининг: “Бу даргоҳдан ҳеч ким ноумид чиқмаслиги керак”, деган гапларини шу кунларда ҳар соатда эслашимиз. Ким ўйлабди дейсиз, миллатимизнинг гули бўлган Абдулла Қодирини орзулари XXI асрнинг ўн еттинчи йилларида келиб ушалади, деб. Биз учун Халқ қабулхоналари арҳона эмас. Арҳона деганга одам таҳлика, ҳадик билан боради. Биз эса ўша жойда худди отамиз, оламиз ўтиргандек гурур билан боряпмиз, — дейди Гулкамар. — Яхши ишлаб юргандим. Мен фаолият юритаётган коллежда мутахассислигим бўйича йўналиш қисқартирилди. Кейин ишсиз қолиб кўп ташкилотга бош урдим. Йўлимиз адашибими, эр-хотин Россияга ишлагани кетгандик. Ишимиз юришмай яна қайтдик. Ҳою ҳавас изидан эргашиб, мусофир юртнинг қаттиқ нонига тиши ўтмай қуруқ қўл билан қайтганларга ким ҳам ўзи хоҳлаган ишни беради? “Бор, қаердан келган бўлсанг, ўша ерга кет!”, демайди-ми? Йўқ, Президентимиз ташкил қилган Халқ қабулхонасига кўксимиздан итармади. Тумандаги 43-боғчага тарбиячи бўлиб ишга жойлашшимга ёрдан беришди. Мактаб бўлмаса ҳам, болалар орасига қайтдим. Кучимга куч қўшилгандек. Ҳунармандчилик қилишни режалаштиряпман. Худо хоҳласа, имтиёзли кредит олиб, умр йўлдошим билан ҳунармандчиликни йўлга қўймоқчимиз.

Суҳбатлар суҳбатларни қақирди, гурунлар гурунларга уланди.

(Давоми 4-бетда.)

2017-yil 22-iyul, № 58 (9019)

мутахассисларига яхши маълум.


Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Б.Бондаренконинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони ва "Жасорат" медали билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Борис Бондаренконинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов, А.Арипов, А.Юнусхўжаев, Б.Йўлдошев

Академик Борис Бондаренко



Заҳматкаш олимнинг илмий ишланма ва тадқиқотлари математик физика, ҳисоблаш математикаси ва комбинатор таҳлилида республикамиз фанида кенг қўланиб келмоқда. Олим

томонидан янги турдаги махсус полиномлар ва уларнинг махсус функциялари яратилган. Уларнинг назариялари, ҳисоблаш математикаси ва қаттиқ жисмлар механикаси соҳасидаги муҳим масалалар ечимлари ишлаб чиқилган.

Олимнинг чиқиқли ва яримчиқиқли дифференциал тенгламалар соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 500 дан зиёд илмий мақолалари, китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва

ланди.

Истеъдодли олим қарийб 70 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент темир йўл муҳандислари институти кафедраси мудири, Фанлар академиясининг Математика институти катта илмий ходими, илмий котиби, Кибернетика институти лаборатория мудири, етакчи илмий ходими, директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди ва мамлакатимизда математика соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори мақолали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон илм-фани оғир жудаликка учради.

Ҳисоблаш математикаси ва дифференциал тенгламалар соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Борис Анисимович Бондаренко 93 ёшида вафот этди.

Б.Бондаренко 1923 йил 12 октябрда Россия Федерациясининг Бошқирдистон Республикаси Давлеканово шаҳрида туғилди. 1953 йили Урта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) математика мутахассислиги бўйича тугатди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сай-

Кўзингиз ҳамиша ойдин бўлсин!

(Давоми. Боши 1-, 3-бетларда.)

Туманнинг "Арнабўйи" маҳалласида истикомат қилувчи Саъдулла Ёқубов "Мангит арна" канали устига қурилган қўлбола кўприк омонатлигини айтиб, бу ҳолат ёш болалар учун хатардан холи эмаслигини ҳисобга олиб, бетон кўприк қуриб бериш илтимоси билан Халқ қабулхонасига мурожаат қилган. "Бўзёп" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Шухрат Қурбониев аёли Муяссар Шомуротова номига кредит олиш учун "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Нукус филиалига мурожаат этган. Шикоятда талаб қилинган барча ҳужжатлар тахт бўлса-да, кредит ололмаётганини баён қилган. "Холимбег" овулида яшовчи Алланазар Юсуповнинг ташвиши ҳам Муяссарниқига ўхшаш. У ҳам кредитга муҳтож...

— Халқ қабулхоналари фаолият юритаётгани бизга энгиллик бўлди. Эрталаб ишга келмасидан йўлакда қаторлашиб турган хотин-қизларнинг дардини эшитишга вақт тополмангиз пайтларимиз ҳам бўларди. Туман миқёсида ҳал қилиб бўлмайдиган катта муаммолар масалалар ҳам ижобий яқун топаётганидан ҳаммамиз мамнунмиз, — дейди туман ҳокими ўринбосари Марямхон Аҳмедова.

Муҳими шундаки, Халқ қабулхонаси эшигини умид билан чертган ҳамма фуқароларнинг муаммолари нари-бериси билан 10—15 кун муддат оралиғида ҳал бўлган. Ахир, авваллари кичкина бир масалага ечим топиб, бўлиб турган ишни бўлдириш учун ҳам йиллар керак бўларди-ку.

Эллиққалъа тумани...

Эллиққалъа заминидан бундан минг йиллар илгари ҳаёт гуркираб, деҳқончилик маданияти юксалгани, цивилизация жуда ривожлангани кўхна тарихдан маълум. Тупроққалъа, Аёзқалъа, Гулдурсинқалъа каби юзлаб қадимий ёдгорликлар бундан далолат бериб турибди. Бир замонлар ҳаёт яшнаган, вақт ўтиб сувсизликдан сахрога айланган Эллиққалъа тупроғи одамларнинг фидойи меҳнати тўфайли яна жонланди. Кўплаб ерлар ўзлаштирилиб, қақраб ётган чўлга оби ҳаёт

келтирилди. Боғ-роғлар, уфққа туташ пахта далалари, янги ҳўжаликларнинг марказий қўрғонлари бунёд этилди. Аста-секин одамлар кўчиб кела бошлади. Замонавий тураржой бинолари қад ростлади.

Эллиққалъа тумани маркази — Бўстон шаҳри. Туман ҳудудидида 13 овул, 21 маҳалла ва 1 шаҳарча фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда 31 минг 129 оила истиқомат қилади. Туманда Археология ва тарих, Отажон Худойшукуров, Муҳаммад Юсуф музейлари фаолият кўрсатмоқда.

Эллиққалъада ҳар йили битирувчиларнинг 80—90 фоизи олий ўқув юртига кирадиган, қаттиққўллик ва талабчанликда ном қозongan академик лицей ҳам бор. Мenga шу

"Кўп ўтмай уй-жой қуриш учун ер ажратишди. Қозиқ қоқиб, пойдевор тикладик ҳамки, "Шу ер ўзимизникими? Чиндан мен ер олдимми?", дейман-да. Худойимга айтганимиз бор экан, манглайимизга "Халқнинг гамини, дардини эшит", дейдиган раҳнамони ёзибди..."

лицей ҳақида ҳазил аралаш бир гапни айтиб беришган эди.

Ўқувчи қиз муаллимидан:

— Устоз, шанба куну опамнинг тўйи бўлапти, дарсдан ружсат беринг, — деб илтимос қилган экан, ўқитувчи:

— Опанг тугул ўзингнинг тўйинг бўлаётган бўлса ҳам, дарс қолдиришингга ружсат беролмайман. Уйингдагиларга айт, тўйни яқшанбага кўчиришинг, — деган экан.

Ўқишга (гарчанд ҳазил аралаш бўлса-да,) бундай муносабат бўлган жойнинг ҳар икки қадамига таъзим билан кириб борсанг, ярашади. Чунки ҳар бир ҳудуднинг шон-шўхрати ўқимшири, билимдон фарзандлари билан юксалади. Бундан ташқари, Эллиққалъада машҳур ҳофизлар Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб ёш ҳофизлар беллашуви, "Аққақўл илҳомлари" адабий-бадий анжумани ўтказилади. Бу йиғинлар Тупроққалъа, Аёзқалъа, Гулдурсинқалъа каби сайёҳлик марказларига уйғун ҳолда ўзгача нурли иқлим яратади.

Шу йилнинг биринчи уч ойи давомида туманда 541 иш ўрни ташкил қилинган, яъни шунча оиланинг қозониға ёғ, қазониға ун тушгани ва бошқа кўплаб муваффақиятларга Эллиққалъадаги маърифий, маънавий иқлим ҳам сабабчи. Халқимиз бу ҳолатни соддагина қилиб: "Ҳа, энди одамлари тушунган-да. Тушунган одамлар билан ишлаш осон", дейди. Бирок одам барибир бандалиғига боради. Тушунган одамнинг ҳам озми-кўпми камчилиги бўлади. Эшигига "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани Халқ қабулхонаси мудири Анажон Раззоқова" дея йирик харфлар билан ёзилган хона ҳар жиҳатдан одамларни эшитишга мослашган.

Бирок мурожаат қилувчилар билан жонли мулоқот маъқул бўлгани учун уйма-уй арзғўйларни ахтардим.

— Ражаббой оға (фамилияси — Абдуллаев, Эллиққалъа туманининг "Навоий" овул фуқаролар йиғинида яшайди), сиз Халқ қабулхонасига уй-жой қуриш учун ер сўраб юзланган экансиз-а?

— Ҳа, олдин ҳам кўп бор ер сўраганман. Ўзимиздан кўпайиб, ҳозирги уйимиз торлик қилиб қолган. Ишониб-ишонмай Халқ қабулхонасига бордим. Керакли ҳужжатлар рўйхатини беришди. Барака топкур болаларим зарур ҳужжатларни бирпасда тахт қилишди. Кўп ўтмай уй-жой қуриш учун ер ажратишди. Қозиқ қоқиб, пойдевор тикладик ҳамки, "Шу ер ўзимизникими? Чиндан мен ер олдимми?", дейман-да. Худойимга айтганимиз бор экан, манглайимизга "Халқнинг гамини, дардини эшит", дейдиган раҳнамони ёзибди...

— Марямхон опа, аёлнинг ками кўп бўлади (Марям Рейимова туманининг "Эллиққалъа" овул фуқаролар йиғинида яшайди). Лекин сиз ўзингиз эмас, турмуш ўртоғингиз Отажон Рейимбоевнинг дардини энгиллатиш учун Халқ қабулхонасига ногиронлар аравачаси сўраб мурожаат қилган экансиз, шундайми?

— Оиласи тинч бўлса, аёл тинч-да. Эрим тўшаққа михланиб қолган. Бир жойда ётавериш, умидсизликка тушиб қолган эди. Халқ қабул-

хонаси аралашуви билан ногиронлар аравачаси берилди. Болалар кўчага олиб чиқишади. Офтобни кўради, кўни-кўшнлар билан суҳбатлашади. Саргайган рангига қон югуриб, юзига кулги қайтганига шукр қиляпман. Отамиз тирилиб келгандек кўксимиз кўтарилди...

Қайси арзғўй билан суҳбатлашмайлик, дилида шукрона, кўли дуода.

Туманнинг "Сарабий" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Раъно Қутлимуратова 3 нафар фарзанди учун эридан алимент ололмай сарсон экан. Шикоятдан сўнг фарзандларининг қонуний ҳақи унибди.

"Амиробод" овул фуқаролар йиғинида истикомат қиладиган Ибодулла Юсуповнинг оиласи моддий ёрдамга муҳтож экан, илтимоси адо этилди.

Ҳаётда нималардандир, кимлардандир қувонган одамларни кўп кўрганмиз. Бирок давлатдан, юрт раҳбаридан қувониб, ундан миннатдор бўлиш тамоман бошқача қувонч экан. Киши нимадандир шодланиб суюнсa, "Бошим кўкка етди", "Теримга сигмапман", дейди. Лекин жамиятнинг ўзига нисбатан меҳрини туйса, ҳар қадамида ўзини давлат, сиёсат қўллаётганини ҳис этса, "Мендан, болаларимдан қайтсин, агар бу яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтара олмасам, умрим етмаса, Худодан қайтсин", дер экан.

Бу янгиланаётган, навқирон, айна пайта қадим ўлкада Халқ қабулхоналари аҳоли ҳаётида қандай аҳамият касб этаётганини қўриб юрагимизда умид гуллади. Бундай доғишманд халқ дуоси билан бир кун Орол сувога тўладигандек. Умид тирик бўлса, бир авлоддан иккинчиси кўксига омон ўтса, бир кун ҳақиқатга айланади.

Жайхун бўйи ахли эзгу хабарни эшитса, бир-бирини:

— Кўзингиз ойдин, — дея қутлар экан.

Биз ҳам неча асрлик, неча йиллик умидлари ҳақиқатга айланганини кўрган, ишончи бутун қардошларимизга:

— Кўзингиз ойдин! — дегимиз келди.

Мунаввара УСМОНОВА,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

2017-yil 22-iyul, № 58 (9019)

7 номдаги янги қўлланма

МТМга қамраб олинмаган болаларни китобхонликка ўргатиш ва мактабга тайёрлашда зарур манба

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу тўпламга қизиқарли эртак ва шеърлар жамланган бўлиб, болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, мутолаа маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Жумладан:

1. «**Оилада мутолаа қиламиз**» — ота-оналар учун қўлланма. Унга оилада китоб ўқишни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ҳамда мактабгача таълимга қўйилган давлат талабларига мувофиқ, болалар бадий адабиёт бўйича эгаллаши лозим бўлган минимал билим ва малакалар киритилган.

2. «**Китоблар оламига илк саёхатим**». 3–5 ёшли болаларга мўлжалланган эртак ва шеърлардан иборат. Китобга «Фил билан ўрозча», «Икки эчки», «Шолғом» каби эртаклар ва А.Раҳматнинг «Айиқчам», Т.Ортиқхўжаевнинг «Кулча нон», А.Бартонинг «Куёнча» ва «Копток» номли шеърлари жамланган.

3. «**Менинг сеvimли китобим**» — олдинги китобнинг мантикий давомидир. Китобдан «Олтин тарвуз», «Бўғирсоқ», «Уч айиқ» каби қизиқарли эртаклар ҳамда Т.Йўлдошнинг «Ойим уйда бўлсалар», «Мехмон», Й.Шомансурнинг «Ширмой нон», А.Аб-

дураззоқнинг «Тойчоғим» каби ажойиб шеърлари ўрин олган.

4. «**Китоблар — менинг дўстларим**» — 5–7 ёшдаги болаларга мос эртак, ривоят ва шеърлардан иборат. Китобга «Овчи, Кўчча ва Доно», «Қизил қалпоқча» эртаклари, «Нон ҳиди» номли ривоят, Т.Холматовнинг «Она табиат», В.Берестовнинг «Эрта тонгда», Р.Файзининг «Момоқаймоқ» каби шеърлари киритилган.

5. «**Салом, мактабим**» — 5–7 ёшли болалар учун «Зумрад ва Қиммат», «Ур тўқмоқ», «Тулқивой» каби қизиқарли ўзбек халқ эртаклари ҳамда Б.Исроилнинг «Шундай ўлка бор», З.Диёрнинг «Капалак», Й.Сулаймоннинг «Устозим» каби шеърларини ўз ичига олган.

6. «**Оламин и ўргана-миз**» қўлланмаси 5–7 ёшли болаларнинг атроф-олам, табиат тўғрисидаги ва элементар математик тушунчаларини ривожлантирувчи материаллардан иборат.

7. «**Жаҳон халқлари эртаклари**» эса 29 та энг сара эртакни жамлаган.

Китоблардаги ҳар бир асар ўзбек ва рус тилларида, қорақалпоғистонлик болалар учун ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида берилган. Ранг-баранг, асар мазмунига мос расмлар китоб саҳифаларига жозибали бахш этган. Ҳар бир эртак, ривоят ва шеърдан сўнг берилган савол ва

оилага тарқатилади. Шу мақсадда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг худудий бўлинмалари ва худудий халқ таълими бошқаруви идоралари томонидан оилаларнинг рўйхати шакллантирилди. Бунда улардаги мактабгача таълимга қамраб олинмаган 3–6 ёшли болалар сони, оила жойлашган маҳалланинг туман марказидан узоклиги, оиланинг кам таъминланганлиги каби жиҳатлар ҳисобга олинди.

Энг кўп китоблар тўплами Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Андижон,



Жазах вилоятларига жўнатилди. Бу худудларда оилалар тўлиқроқ ўрганилганидан далолат беради. Навоий, Фарғона, Хоразм вилоятларида эса қўлланма билан таъминланиши лозим бўлган оилалар сони нисбатан кам кўрсатилган.

Китоблар тўплами оилаларга энг яқин жойлашган мактабгача таълим муассасалари орқали тарқатила-

ди. Бунинг учун республика бўйича 2144 та МТМ танлаб олинди. Тегишли тавсияномага кўра, тўплам ота-оналарга МТМда тузилган ишчи гуруҳ (МФЙ раиси — ишчи гуруҳ раҳбари, МТМ мудираси, МФЙ маслаҳатчиси, МТМ педагоглари, ҳисобчиси ва васийлик кенгаши раисидан иборат) томонидан тарқатилади.

Ишчи гуруҳ китобларни ота-оналарга (ёки бобо-бувиларга) тегишли тартибда тарқатиш чоғида лойиҳадан кўзланган мақсад тўғрисида тақдирот ўтказадди, фойдаланиш методикаси юзасидан тушунча беради. Китобларни тарқатиш натижалари бўйича туман(шаҳар) ХТМФМТЭБа ҳисобот тақдим этади. Лойиҳага кўра, МТМ педагоглари ҳар ойнинг белгиланган кунлари оила бошқаруви ва болалар билан учрашиб, ҳар бир китобдан тўғри фойдаланиш бўйича машғулотлар ўтказадди.

Айни пайтда барча китоблар белгиланган МТМларга етказилиб, оилаларга тарқатиш жараёни бошланди.

Мавлуда НИШОНОВА,
«**Мактабгача ва умумий ўрта таълимини ривожлантириш**» лойиҳаси консультанти

МТМда кичик кутубхона

болаларнинг бадий адабиётга меҳрини барвақт уйғотади

Болалар адабиёти кичкintoyларда ахлоқий сифатларни таркиб топтиришга: яхши-ёмон, ҳақ-ноҳақ, рост-ёлгоннинг маъносини тушуниб олишига ёрдам беради.

Шу сабаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан мактабгача таълим муассасаларида кичик кутубхоналарни ташкил этиш, болаларнинг бадий адабиётга қизиқишини барвақт уйғотиш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Бугун бу борада иш олиб бораётган тарбиячиларда МТМ кичик кутубхонаси аслида қандай бўлиши керак, уни ташкил этишда нималарга эътибор бериш лозим, деган саволлар туғилиши табиий.

Аввало кичик кутубхона фойдаланувчилари тарбияланувчилар, мактабгача таълимга қамраб олинмаган болалар, уларнинг ота-оналари, МТМ педагоглари бўлгани учун кичик кутубхонадаги шаф, китоб жавони каби жиҳозларни қулай жойлаштириш керак. Ҳатто, энг кичик бола ҳам хоҳлаган вақтда ўзига ёққан китобни бошқаларнинг ёрдамисиз бемалол олиши лозим. Материаллар байрамлар, муҳим саналар арафасида 2–2,5 ҳафтада бир марта алмаштириб турилса, қизиқарли бўлади. Тарбиячилар болаларни бадий адабиёт билан таништиришда турли расмлар, альбомларни кўрсатиши, ҳикоялар ту-

зиши, эртакларни тинглашга чорлаши, ролли уйинларни уйнашга рағбатлантириши, китобларни овоз чиқариб ўқиши, шеърларни ёдлашга муҳит яратиши, ўқилган китоблар ҳақида суҳбатлар уюштириши, ҳикоя, эртакларнинг боши, энг муҳим жиҳатларини ажратишга ёрдам бериши, кўғирчоқ театрлари ташкил этиши натижавийликни оширади.

Айни жараёнда бадий адабиётни болалар онгига санъат асари сифатида етказиш, мазмунини очиб бериш, персонажларга нисбатан эмоционал муносабатда бўлиш, муаллифнинг лирик кечинмаларини ҳис этишга, яъни, асарда қатнашувчи қаҳрамонларга нисбатан муносабатларини ифодалашга ўргатиш ҳам тарбиячининг биринчи галдаги вазифасидир. Бунинг учун тарбиячининг ўзи китоб билан яқиндан таниш бўлиши, уни ҳар томонлама таҳлил эта олиши зарур. Шунингдек, педагог ўқиш ва ҳикоя қилиб бериш техникасини, яъни аниқ дикцияни, ифодали ўқиш воситаларини (мантикий ургуни тўғри қўя олиш, пауза, овоз тони ва темпи) эгаллаган бўлиши керак. Боиси, бадий асарнинг ҳар бир жанри ифодали тарзда болаларга етказилгандагина, тарбияланувчилар китоб гоёвий мазмунини тўғри идрок эта олиши мумкин. Шунда-

гина бола бадий асарларни диққат билан тинглашга, бадий нутққа эътибор беришга ўрганади. Тарбиячилар болаларни бадий асар билан таништиришда матнни тушунарли ҳикоя қилиш, муҳим жойларни таъкидлаб баён этиш, изчилликка риоя этиш, асар муаллифи ва жанри билан таништириш, матндаги сўз ва иборалар луғати устидан ишлаш, айрим сўزلарни уларнинг синонимлари билан алмаштириш, оғзаки нутқ маданиятига эътибор бериш, қайта ҳикоя қилаётганда гавдани тўғри тутиш, болалар диққатини жамлаш, баланд овозда товушларни аниқ талаффуз этиш каби кетма-кетликка риоя этишлари зарур. Ушбу талаблар бажарилса, бола ҳикоя ва эртак мазмунини қайта ҳикоя қила олади. Асар юзасидан фикр билдиришга киришади. Тез айтиш, топшиқмоқ, санама, мақолларни ёдлаб олиши осон кечади. Қаҳрамонларнинг ижобий ва салбийлигига қараб, ҳис-туғйуларини тушунишга интилади.

Шу ўринда қисқа муддатли гуруҳга қатнайдиган болалар билан ишлаш бўйича ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Қисқа муддатли гуруҳ тарбиячиси кичик кутубхонанинг иш тартибига мувофиқ мактабгача таълим тизимига қамраб олинмаган болаларнинг ота-оналари билан биргаликда «Билимдон» дастури асосида ойда икки марта машғулот ўтказиши мақсадга мувофиқ. Бунда ўзи китоб ўқиб бе-

риши билан бирга, ота-оналарга боланинг ёши ва индивидуал хусусиятига мувофиқ оила даврасида ўқиш учун мос асарларни тавсия қилади. Ота-оналарнинг эътибори оилавий театрлар ташкил этиш, болани ўйин фаолиятига ва расм чизишга жалб қилиш, бадий адабиётга қизиқишини рағбатлантиришга қаратилади. Болаларни китобхонликка йўналтиришда танловлар, адабиёт викториналари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиш ҳам айни мақсаднинг тўлақонли амалга ошишига хизмат қилади.

Бу жараён оила муҳити билан ҳамоханг таркиб этилиши, яъни, уй шароитида расмли-безакли болалар китоблари бўлиши, кичкintoy билан қизиққан китоби ҳақида суҳбатлашиш, саволларига жавоб бериш жуда муҳим. Бадий асарни тинглаш вақтида боланинг қалам, қайчи, қоғоздан эркин фойдаланишига рухсат этиш ҳам уларнинг фикрлаши, эшитганлари асосида ижод қилишига ёрдам беради. Вақти-вақти билан ота-оналар болани китоб дўконига ёки кутубхонага олиб бориши боғчадаги китобларни ҳам танабб олишига ўргатади. Энг асосийси, ота-она ибрати МТМда ташкил этиладиган кичик кутубхоналар мақсадини янада ойдинлаштиради.

Шаҳноза РАҲИМОВА,
Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси

Yangiliklarda yurt nafasi



Хоразмда Ўзбекистон халқ артисти, «Буёқ хизматлари учун» ордени соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Улуғ санъаткор туғилиб voyaga etgan Шовот туманида Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истроҳат боғи реконструкция қилиниб, ҳар томонлама обод масканга айлантилди. Урганчада унинг хотираси билан аталган боғ ва ижод маркази, уй-музейи ташкил этилди. Ҳофиз сиймоси акс эттирилган ёдгорлик ўрнатилди.

Оғаҳий номидаги Хоразм вилояти мусикали драма театрида хотира кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллик байрами қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаётгани бутун халқимиз, айниқса, санъат ихлосмандларини беҳад мамнун этмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Фафур Эшчонов. — Шовот туманидаги қишлоқлардан бирида туғилиб ўсган, ўзининг ибораси билан айтганда, «оталиқнинг молини боқиб», подачи тағини ўзига тор қилиб чала бошлаган ёш Комилжон халқимизнинг ардоқли санъаткори эди. У ўзининг бетакор овози ва ижро услуби билан нафақат мамлакатимиз, балки хорижий ўлкаларда ҳам санъат шай-доларини мафтун этган. Устоз қолдирган бебаҳо санъат бугун унинг шогирдлари, ёш ижрочилар томонидан муносиб давом эттириб келинмоқда.

Тадбирда бадий жамоалар, хонандалар томонидан К.Отаниёзов ижодий меросидан намуналар ижро этилди. «Уч бустон бўлбули» номли спектакль, ҳофиз ҳаёти ва ижодига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

Миллий матбуот марказида жорий йил 25–30 август кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган аънавий «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Фестиваль эзгу гоғялари, юксак ва кўтаринки савияси билан йилдан йилга нуфузи ошиб бормоқда. Биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги фестивалда 60 га яқин мамлакатдан бадий жамоалар, яққал хонандалар, мусиқа-қашунослар, олимлар қатнашини кутилмоқда.

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий аънаваларнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилиши кўзда тутилган. Шу кунларда Самарқанд шаҳрида фестивални кўтаринки руҳда ўтказишга қизгин тайёрларлик кўрилмоқда. Фестиваль доирасида Ургут, Тайлоқ, Жомбой, Пастдаргом туманларида ҳам мусиқий тадбирлар, ижодий учрашувлар, мулоқотлар, концертлар бўлиб ўтади.

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан уюшмаган ёшларни тадбиркорликка жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш масаласи муҳокамасига бағишланган очик мулоқот ташкил этилди.

Унда мутасадди ташкилотлар вакиллари, ёш тадбиркорлар, уюшмаган ёшлар, касб-хунар коллежи ва академик лицей битирувчилари, уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорликка қизиқиш уйғотиш, уюшмаган ёшлар ҳамда касб-хунар коллежи ва академик лицей битирувчиларининг ўзлари танлаган соҳада фаолият бошлашига қўмақлаштиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Пойтахтимиздаги Imzo-Akfa фабрикасида меҳнат қилаётган мингдан зиёд ишчининг йигирма беш фоизи касб-хунар коллежи битирувчиларидир. Корхона УАЛДег'нинг Тошкент шаҳар кенгаши билан уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жорий йилнинг сўнгги икки ойи мобайнида йигирмага яқин уюшмаган ёш ушбу корхонага ишга жойлаштирилди.

Қибрай туманида «Биз эрта турмушга қаршимиз» деб номланган давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партиянинг вилоят ва туман кенгашлари ходимлари, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари, туман Халқ қабулхонаси мутасаддилари иштирок этди.

— Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтириш, эрта турмуш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдинчи олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётган, — дейди Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент вилоят филиали мутасаддиси М.Орифжонов. — Шундай бўлса-да, ҳали балоғат ёшга етмаган қизини узатиш ёки «қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин», деган ўй билан ўғил уйлантириш тарафдорига тушадиган ота-оналар ҳали-ҳамон учраб турибди.

Давра суҳбатида бундай машғуллар самарадорлигини янада ошириш, хотин-қизлар саломатлиги, соғлом авлоднинг дунёга келтириш ва баркамол этиб voyaga etkazish, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан ўттишининг зарурати хусусида фикр алмашилди.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛИРИМИЗ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

Маънавият — энг таъсирчан восита

Республика Маънавият тарғибот маркази Сурхондарё вилояти бўлими томонидан «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида «Ёш китобхонлар» учрашувлари ўтказилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёрларлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилаётган тадбирларда шoir-ёзувчилар, адабиётшунос олимлардан иборат тарғибот гуруҳи иштирок этмоқда.

Музработ, Ангор, Қизилқор, Бойсун ва Шеробод туманларида бўлган тарғиботчилар мустақиллик ҳудудлар қиёфасини, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини тубдан ўзгартириб, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ёш авлод маънавиятини юксал-

тириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидламоқда.

— Мазкур тадбир вилоятда эришилаётган ютуқлардан аҳоли барча қатламлари ҳабардорлигини ошириш, уларда бугунидан шукроналик ва эртанги кунга ишонч туйғусини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, ижодкорлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Ф.Шарипов. — Мамлакатимиз эришаётган оламшумул

ютуқлар, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси атрофича таҳлил қилинаётган. Шунингдек, адабиётнинг инсон камолотида тутган ўрни, миллий маънавияти шаклланишидаги роли ва жамият тараққиётидаги аҳамияти хусусида суҳбатлар ташкил этилмоқда. «Маънавият — энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз» тамойилига асосланган ушбу учрашувлар доирасида истеъдодли ёшлар ижодидан намуналар тингланиб, уларга маслаҳат ва тавсиялар берилмоқда. Тадбирларда ёшлар томонидан тақдим этилаётган энг сара насрий асарлар, шеърлар тўпланиб, «Воҳанинг ёш ижодкорлари» номли китоб чоп этилади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Ғолиблар тақдирланди

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида «Халқ таълими тизимидаги энг яхши веб-сайт — 2017» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилда танловга жами 4830 та ариза келиб тушди. Иштирокчиларнинг веб-сайтлари халқ таълими тизими мутахассислари, экспертлар ва ўқитувчилардан таркиб топган 3 та гуруҳдан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Унга қўра, «Энг яхши таълим муассасаси веб-сайти» номинациясида 1-ўрин Юнусобод туманидаги 327-мактабга, 2-ўрин Урганч туманидаги 38-мактабга, 3-ўрин Кармана туманидаги 3-мактабга насиб этди. «Энг яхши ўқитувчи веб-сайти» номинациясида эса

Дўстлик туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси Шухрат Нургазиев 1-, Ёзёвон туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси Қобилжон Мирзақуллов 2-, Жиззах туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси Нарғиза Қаршибоева 3-ўринга муносиб кўрилди. «Халқ таълими тизимидаги энг яхши ташкилот (муассаса) веб-сайти» номинациясида ғолиблик Навбахор тумани ХТМФМТТЭБга насиб этган бўлса, 2-ўрин Фарғона вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти 3-ўрин Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси веб-сайтига берилди.

— navtxtb.uz сайтимиз уч йилдан буён фаолият юритади, — дейди Навбахор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Гулнур Элова. — Унда туманидаги барча мактаблар, МТМ, мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳақида тўлиқ маълумот бериб борилади. Педагоглар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, энг яхши дарс ишланмалари, турли интерфол методларни ҳам жойлаб борамиз. Бу каби танловлар бизни янада иштиёқ билан ишлашга ундайди.

Танлов ғолиблари вазирликнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зилола МАДАТОВА,
«Ma'rifat» мухбири



«Саломатлик поездлари» халқ хизматида

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида экологик жиҳатдан ноқулай минтақада яшовчи аҳоли учун «Саломатлик поездлари»ни ташкил этиш кўзда тутилган.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамкорлигида жорий йилнинг март-май ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятининг бориш қийин бўлган, экологик ноқулай олис ҳудудларига «Саломатлик поездлари» сафари уюштирилди. Миллий матбуот марказида фонд томонидан мамлакатимиз аҳолисининг саломатлигини сақлаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида амалга оширилган ушбу эзгу ишлар якунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида юртимизда тиббиёт соҳасига қара-

тилаётган эътибор хусусида сўз юритилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси ўринбосари Н.Мўминов аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари: кекасалар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчиларининг давлатимиз ҳимоясида олинган мамлакатимизда инсон ва унинг қадр-қиммати олий қадрият эканлигини даволат беришини таъкидлади.

Қайд этилишича, 21—29 март кунлари «Саломатлик поезди»га жалб этилган мутахассислар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига бориб, 2810 нафар фуқарони тиббий кўридан ўтказди. Бундан ташқари,

ҳар иккала вилоятдаги 50 га яқин тиббий ва ижтимоий муассаса қаторида 2583 нафардан ортик ижтимоий ҳимояга муҳтож оила манзилли равишда озик-овқат пакетлари ҳамда уй шароитида фойдаланиш мумкин бўлган дори-дармон, санитария-гигиена воситаларидан иборат, жами 2 млрд. 625 млн. 227 миң сўмлик инсонпарварлик ёрдамидан баҳраманд бўлди. 19—27 апрель кунлари Навоий вилояти, 16—27 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрган «Саломатлик поезди» мутахассислари жами 42344 нафар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

Матбуот анжуманида халқимизга хос инсонпарварлик, хайр-саховат тадбирлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги олдидан бошқа ҳудудларда давом этиши айтиб ўтилди.

Асолат АҲМАДҚУЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Тўйга тўёна билан

Сўнги йилларда ўқувчи-талабаларимиз математика, кимё, биология, физика, информатика каби фанлар бўйича ўтказилган нуфузли халқаро олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этиб келмоқда.

Яқинда бир гуруҳ ўқувчиларимиз Таиландда бўлиб ўтган кимё фани бўйича 49-Бутунжаҳон олимпиадасида иштирок этиб, яна бир бор зафар кучишди. Дунёнинг 80 давлатидан қарийб 320 нафар bilimdonlar қатнашган мазкур муسابақда 4 кишидан иборат жамоамиз вакиллари 3 та бронза медал соҳибига айланди. Тошкент педиадрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод 1-академик лицейи битирувчилари Азизбек Ҳақимов, Асилбек Мухсимов, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Жавахир Абдуҳақимов юрт байроғини юқори кўтарди.


— Ўқувчиларимиз ютуқлари энг улуг, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллик тўйига тўёнасиндир, — дейди Тошкент педиадрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод 1-академик лицейи директори Ортиқбой Эшонкулов. — Беллашув уч босқичда олиб борилди. Иштирокчилар дастлабки икки бос-

қичда назарий билимларини, амалий босқичда турли тажрибаларни амалга оширган ҳолда лабораторияда ишлаш кўникмаларини намоён этди. Аҳамиятли жиҳати, ўтган йилларда дастлабки икки босқичнинг назарий саволлари 8 тадан эди, бу сафар саволлар 11 тадан иборат бўлди. Ўқувчиларимиз ўз натижалари билан ҳар йилгидек кимё фани бўйича Бутунжаҳон олимпиадасининг энг кучли жамоалари орасидан жой олади. Бунга устоз педагогларимизнинг ўқувчилар билан бирга туну кун ўқиш ва изланиши, жиддий шуғулланишлари орқали эришилди. Ушбу муваффақиятнинг мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ҳар жиҳатдан баркамол ёш авлодни, пухта билим ва малакага, ўз мустақил фикрига эга кадрларни тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралгани натижаси деб биламан. Ундан ташқари, таълим муассасамизда "Олимпиадчилар мактаби" тўғраги ташкил этилган

Qutlug' ostona

бўлиб, шу кунга қадар турли олимпиадаларда ютуқларга эришган собиқ ўқувчиларимиз уларнинг ортидан келадиган укаларига назарий ва амалий жиҳатдан фан сирларини ўргатишмоқда.

Айнан кимё фани бўйича ўтказилаётган турли халқаро олимпиадаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган иштирокчилар орасида Тошкент педиадрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчилари таллайгина. Ушбу таълим муассасаси олимпиадасидаги қўлибларнинг бешигига айланди, десак муболага бўлмайдиган. Дарвоқе, кимё фани бўйича Халқаро Менделеев олимпиадасида илк бор олтин медални қўлга киритган Анвар Мақсудхўжаев(2008 йил 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси) ҳам, кимё фани бўйича жаҳон олимпиадасида биринчилардан бўлиб олтин медалга сазовор бўлган Бегзод Болтаев(2013 йил, кимё фани бўйича 45-жаҳон олимпиадаси) ҳам мазкур академик лицей ўқувчилари эди. Кимё фани бўйича 49-Бутун-



жаҳон олимпиадаси ютуқларини қўшиб ҳисоблаганда мазкур таълим муассасаси ўқувчилари қўлга киритган медаллар сони 37 тага етди. — Ниятим олтин медални қўлга киритиш эди, — дейди Азиз Ҳақимов. — Бироқ амалий даврада йўл қўйган жузъий хатоим туфайли ниятим амалга ошмай қолди. Келгусида фани янада чуқурроқ ўрганиб, юртимиз

кимё фанига ҳисса қўйиш ниятидаман.

Ғолиб ўқувчилар Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига буюнча юртимиз олий таълим муассасаларига тест синовлари сиз ҳамда қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Шерзод ҚУРБОНОВ

Дунёда хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция қондалари мавжуд бўлиб, конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) биноан апостиль штампи қўйилган ҳужжат ушбу конвенцияга аъзо давлатларда тўғридан-тўғри тан олиниши белгиланган.

Апостиль бу — махсус штамп бўлиб, хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенцияга мувофиқ берилётган ҳужжатга чет элда фойдаланиш учун қўйилади ва у ҳужжатга қўл қўйган шахснинг имзоси, ҳужжатни тасдиқлайдиган муҳр ёки штампнинг босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда ҳам мазкур кон-

Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази;

Бошқа барча расмий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таълим ва фан соҳаси ташкилотларининг расмий ҳужжатлари бўйича расмий ҳужжатларни имзолаш

га ўтказилади. Ариза берувчи аризадан воз кечган тақдирда ҳам тўланган сумма қайтарилмайди. Апостиль қўйилиши учун ҳужжатлар тўплами мавжуд бўлган тақдирда йиғим муайян ишга тегишли бўлган ҳар бир ҳужжат учун эмас, балки бутун тўплам учун ундирилади. Апостиль қўйиш учун мурожаат қилган давлат органи ёки бошқа давлат ташкилоти йиғим тўлашдан озод қилинади.

Апостиль қўйиш учун ариза берувчи қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: расмий ҳужжатга апостиль қўйиш тўғрисида ариза, ариза берувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, конвенция қатнашчиси бўлган

зитлардан бирортаси мавжуд бўлма-

са; Расмий ҳужжатдаги мансабдор шахснинг имзоси ва (ёки) муҳр босма изи ваколатли давлат органидаги намунага мувофиқ бўлмаса;

Расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахс уни имзолаш ваколатига эга бўлмаса;

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда апостиль қўйиш рад этилади.

Апостиль қўйиш рад этилган тақдирда ариза берувчига рад этилганлик тўғрисида билдиришнома ёзма шаклда топширилади. Унда аризанинг рад этилиш сабаблари ҳамда ушбу сабабларни бартараф этиб, тақдоран кўриб чиқиш учун расмий ҳужжатларни тақдим этиш мумкин бўлган муддат (30 тақвим куни) кўрсатилади. Ариза тақдоран кўриб чиқилгани учун йиғим ундирилмайди.

Рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади. Шунинг учун "Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомда кўрсатилган тартибда йиғим ундирилади.

Апостиль қўйиш тартиби бўйича тушунча ва маслаҳатлар ваколатли идораларнинг масъул ходимлари томонидан берилди. Жумладан, масъул ходимлар ваколатли давлат органлари ва улар жойлашган манзил, апостиль қўйиладиган расмий ҳужжатларнинг турлари ва хусусияти, апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган расмий ҳужжатларга қўйиладиган талаблар, апостиль қўйилгани учун тўланадиган йиғим миқдори, ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш вақти, апостиль қўйиш муддати, апостиль қўйиш давомида амалга ошириладиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қабул қилинадиган қарорлар устидан шикоят қилиш тартиби, конвенция қатнашчилари бўлган мамлакатлар тўғрисида маълумотлар беради. Фуқаролар мазкур маълумотларни Давлат тест марказининг dtm.uz расмий веб-сайтидан ҳам билиб олиши мумкин.

Сардор РАҲАБОВ,
Давлат тест маркази бош эксперти

Апостиль қўйиш ва унинг аҳамияти

венция талабларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 2011 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қондаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги "Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида низом"ни тасдиқлаш ҳақидаги 307-сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикасида апостиль қўйиш ваколатига эга бўлган тўртта орган белгиланди:

Судлар, адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Фан ва таълим соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

ваколатига эга бўлган шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр ва штампларининг босма из намуналарини мунтазам равишда қабул қилади.

Апостиль қўйиш тегишли ҳужжатларни легаллаштиришнинг соддалаштирилган йўли бўлиб, анча тез бажарилади ҳамда фақат битта тегишли орган томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳужжат Гаага конвенциясига аъзо барча давлатлар ҳудудида юридик кучга эга. Агар ҳужжатларга апостиль қўйилган бўлса, легаллаштириш талаб этилмайди.

"Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 5-бандига мувофиқ апостиль чет элда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси ёки консуллик муассасалари томонидан чиқарилган ҳужжатларга, тижорат ёки боғжона амалиётларига тўғридан-тўғри алоқадор ҳужжатларга ҳамда паспорт ва ҳарбий гувоҳномага қўйилмайди.

Апостиль қўйиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорига йиғим ундирилади ҳамда ваколатли давлат органининг махсус ҳисоб рақами-

хорижий давлат ҳудудида фойдаланиладиган расмий ҳужжат, апостиль қўйилиши учун йиғим тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Апостиль қай кўринишга эгаллиги ва қандай рекузитларни ўз ичига олишини билиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Апостиль 10x10 см ўлчамли квадрат клише шаклида бўлиб, сарлавҳаси француз тилида "Apostille (convention de la Haye du 5 octobre 1961)" деб ёзилиши шарт. Апостиль шакли ўзбек ёки инглиз тилида тўлдирилади. "Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 21-бандига мувофиқ расмий ҳужжатларда тегишли рекузитлар (тартиб рақами, сана, имзо, муҳр) бўлиши шарт.

Бундан ташқари, апостиль қўйиш ваколатли давлат органлари томонидан рад этилиши ҳам мумкин. Жумладан:

Ариза берувчи томонидан "Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 5-бандига назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилган бўлса;

Расмий ҳужжатда ушбу низомнинг 21-бандига кўрсатилган зарур реку-

2017-yil 22-iyul, № 58 (9019)

Мансур БЕКМУРОДОВ, социология фанлари доктори, профессор

Жадал тараққийёт ва янгилаш моделлари



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётда изчил татбиқ этилаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизни янада демократлаштириш, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётини фаровонлаштиришга қаратилган улкан тарихий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган, кенг қамровли тараққийёт ва янгилаш моделидир. Шундай экан, ҳар биримизнинг ҳаётимиз, келажакимиз билан боғлиқ бўлган мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етишимиз, уни амалга татбиқ этишда бевосита дахлдорлик ҳиссини туйиб, зиммамиздаги масъулиятни ҳис этиб яшашимиз лозим. Шундагина Ҳаракатлар стратегияси тўла рўёбга чиқиб, мамлакатимизни ривожланган, халқпарвар демократик давлатга айлантириш йўлида мустақкам асос бўлиб хизмат қилади. Қуйида ҳавола этилаётган мақола бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишда асқотади.

Халқ давлати қурилмоқда

Мамлакатимизда мазмунан янги давлат, янги жамият таркиб топмоқда. Янги жамиятга мос янги тартиботлар, янги қадриятлар, муносабатларнинг янги тизими шаклланди. Энг муҳими, янги ҳаётнинг мустақкам пойдевори — янги қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Турмушимизга янги иборалар, хусусан “халқ билан мулоқот”, “электрон ҳукумат”, “виртуал қабулхона”, “халқ қабулхоналари”, “портал”, “механизм”, “ҳақиқий қадриятлар”, “шахсий масъулият”, “ташаббускорлик”, “арзонлаштирилган уйлар”, “халқ дарду ташвиши”, “тўғрилиқ”, “ҳалоллик”, “банк маърифати”, “йўл харитаси”, “ватанпарварлик”, “кафолатланган хавфсизлик”, “китобхонлик кўникмаси”, “профилактика” ва бошқа сўзлар кириб келмоқда.

Мамлакатимиз ўзининг уч минг йиллик тарихи мобайнида орзу қилган тўзум, яъни ҳақиқий халқ давлатини тузишга киришди. Аслида, халқ давлатини куриш нафақат ўзбек халқининг, балки бутун дунёнинг орзусидир. Ана шундай давлатни куриш учун ҳам “демократия” атамаси, тушунчаси кашф этилган. Узоқ антик даврларда пайдо бўлган бу атама ҳалигача амалда ўз ҳақиқий қиёфасини,

ҳаётда ўз аксини топа олгани йўқ. Демократиянинг асосий мезони ҳозирги кунга қадар фақат сайловларни ҳолис ўтказиш жараёнларида тенгликка эришиш бўлиб келди. Сайловлар ўтиб бўлгандан кейин то навбатдаги сайловгача эса демократия эмас, автократия амал қилар, яъни сайловда голиб чиққан шахснинг фикри жамият ва давлат учун устувор бўлиб, ҳақиқий халқ давлати барпо этилмай қолар эди.

Ўзбекистонда эса президентлик сайлови ўтиб бўлгандан сўнг халқ давлатининг мустақкам пойдевори ни куриш, демократияни ўрнатиш, жамиятимиздан коррупцияни илдири билан кўпориб ташлаш, қонунчилик, давлат ва суд ҳокимиятини халқ орзуларини амалга ошириш, муаммоларини ҳал этишга сафарбар қилишга қатъий киришилди.

Бугун ҳаётимизнинг ҳар бир кунинда инсон мафатларини, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатли химоя этиш, одамларни рози қилиш, уларнинг бахтли-саодатли умр кечиришларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни кузатишимиз мумкин. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясининг пировад мақсади ҳам ҳар бир инсон эрки ва манфаатларини устувор билувчи халқ давлатини барпо этишдан иборат.



Ҳаракатлар стратегиясининг илмий-назарий асослари

Ҳаракатлар стратегияси халқчиллик, инсонпарварлик, баргикенглик ва зағулик гоғларига таянади. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни баҳолаш ва улarga ёндашишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг устуворлиги назариясига мустақкам асосланади.

Тарихни яратувчи куч алоҳида аҳоли қатлами, маълум бир партия ёки атоқли арбоблар, алоҳида шахслар эмас, балки халқ эканлиги Ҳаракатлар стратегияси учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади. Тарих халқ ва унинг фаол, фидокор вакилларининг меҳнати, саъй-ҳаракатлари, уларнинг шу йўлга бағишланган умри натижасида яратилади. Шу боисдан ҳам Ш.Рашидов, И.Каримов ҳамда мустаққиликни қўлга киритиш ва уни мустаққамлашда меҳнати синган минглаб фидойи шахслар, ишлаб чиқариш соҳаси ҳодимлари, олимлар, ёзувчилар, раҳбарларнинг меҳнатига бутун муносиб ҳурмат ва эъзоз кўрсатилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси ҳаётга қатъий ишонч ва позитив қараш назариясини ҳам тақозо этади. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ричард Вайсман ва бошқалар ўз асарларида келажакка яшиллик назари билан қараш, ҳаётга шўқроналик билан ёндашув ижтимоий тараққийётни барқарор таъминлай олиши, одамларнинг бахтли ҳаётини юзага келтириши, таъминлаши ва ка-

фолатлашини назарий асосланган ва ана шундай дорилломон замон келишини орзу қилганлар.

Ҳаракатлар стратегияси мантиқан пухта асосланган модел сифатида ҳаётга прагматик ёндашув назариясига таянади. Прагматик ёндашув ижтимоий-иқтисодий жараёнларни аниқ ижтимоий манфаат ва фойда ни кўзлаб оқилона ва натижадорлик тамойиллари негизда бошқаришнинг амалиётга жорий этилишида намоён бўлади.

Барча ижтимоий-иқтисодий ислохотларни адолат ва фақат тўғрилиқ тамойилларига таяниб амалга ошириш назарияси Ҳаракатлар стратегиясида давлатнинг устувор сийсати сифатида амал қила бошлади. Тўғрилиқ тамойилли давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида устувор ижтимоий-маънавий асос ва ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади.

Давлат манфаатларига нисбатан халқ ва инсон манфаатларининг устуворлиги тамойилга амал қилинмоқда.

Давлат ва жамият манфаатлари йўлида илгари ўзаро боғланмаган идора ва муассасалар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилиши кузатишда. Прокурор ва тадбиркор, фермер ва турли хизмат соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўчади. Президентимиз ана шундай ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади: “Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шариот яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор”.

Ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда аҳоли барча қатламларининг реал иштироки кўчади. Нуронийларнинг жамоатчилик назорати, Ёшлар иттифоқининг уюшмаган ёшлар билан натижадорликка асосланган иш амалиёти тизимли хусусият касб эта бошлади.

Давлат ва жамият манфаатлари йўлида илгари ўзаро боғланмаган идора ва муассасалар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилиши кузатишда. Прокурор ва тадбиркор, фермер ва турли хизмат соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўчади. Президентимиз ана шундай ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади: “Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шариот яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор”.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида мултоқ янги яхлит тизимни ҳаётга жорий этиш амалиётининг зарурати илмий-тажрибавий асосланиб, унинг ҳуқуқий пойдевори белгиланди. Фермернинг ишлаб чиқарувчи, ҳам қайта ишловчи ҳамда ўз маҳсулотларини ўзи сота олувчи, саноат корхоналарининг, хусусан, енгил саноатнинг хом-ашёни ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва реализация қилувчи мақомада бўлиши белгиланди.

Дунёда икки омил кураши, яъни кучни хурмат қилиш маданияти ҳамда меҳрин, яхшилиқни хурмат қилиш маданияти амал қилиб келади. Кучни хурмат қилувчи маданият назарийётчилари “мақсадга эришиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкин, чунки натижа воситани оқлайди” деган тамойил асосида иш тутса, меҳрин хурмат қилиш маданияти тарафдорлари эса натижага фақат ҳалол воситалар орқали эришишни ёқлайди. Ўзбекистон таъриқ ўтказувчи кучни, қадри эмас, меҳрин устуни кўвчи мамлакатдир.

Ҳаракатлар стратегиясининг асосий назарий асоси меҳрин, тинчлиқни ва ҳамкорликни давлатнинг устувор сийсати деб англашда намоён бўлади.

Маърифатнинг яратувчанлик кучини ҳар бир соҳа, касб ҳамда шахслар фаолиятида рўёбга чиқариш амалиёти ва назарияси Ҳаракатлар стратегияси моделда асосланди ва ҳаётнинг даярли барча жаҳаларига кенг жорий этилмоқда ва бу назария ўзининг реал самарасини бермоқда.

Ижтимоий, иқтисодий жараёнларга превинтив ёндашув назарияси бугун бошқарув жараёнини да реал амал қила бошлади. Превинтив ёндашув юз бе-

риши мумкин бўлган хавфнинг олдини олишнинг мақбул йўли сифатида тинчликни сақлаш, саломатликни муҳофаза қилиш, фарзад тарбиясида хушёр бўлиш соҳаларида профилактик ёндашув сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш фақат бир ўрта ҳамда катта авлод кучи ва салохиятига барабар таяниш, авлодларо яқдилликни таъминлашнинг тақозо этади. Аҳоли турли қатламлари, хусусан, катта авлод вакиллари ва ёшлар ўртасида маънавият, одоб-ахлоқ, ижтимоий идеаллар талқини, ватан истикболи масалаларида ўзаро бир-бирини тўғри тушуниш, авлодларо узийлиқ ва ворисийлик муносабатларининг амал қилиши назариясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий жараёнларни ўзаро ҳамкорлик асосида мақсадли оптималлаштириш, яъни синергетик ёндашув назарияси кенг қўлланилмоқда. Синергетикани ҳамма соҳага нисбатан кенг татбиқ этиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Масалан, жамиятда синергетика ўзини ўзи энг мақбул ташкил этиш имконияти сифатида турли муассаса ва соҳаларо ҳамкорлик тарзида ҳам намоён бўлмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларини, яъни электр, газ, ичимлик суви муаммоларини ижобий ҳал этиш, арзон уй-ҳойлар куриш ва одамлар учун муносиб ҳаёт тарзини юзага келтириш аниқ режалаштирилиб, уни реал вақт режимида амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган. Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ амалга оширилиши натижасида ҳар бир оила уй-ҳой, электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Ҳозирги даврдаги жадал тараққийёт тенденциялари мамлакатимизни индустриал ривожлантиришда шахс салохияти, маънавий-интеллектуал омил ривожига устувор аҳамият қаратишни долзарб масалага айлантирди. Ватанимизнинг барқарор тараққийоти учун мажбул интеллектуал салохиятини самарали ишга солиш, мутахассисларнинг ўз фаолиятига онгли ёндашувини шакллантириш, уларнинг шахсий масъулият ва ташаббускорлик фазилятларини кучайтириш

Мамлакатимизнинг йорик шаҳарларида яшовчи таҳминан 40 фоиз аҳолидан ташқари барча ҳудудларда, яъни кичик шаҳар ва туман марказларида тортиб, газ этиб борган аксарият қишлоқлардаги хонадонларга газ ёқилгисини етарли даражада таъминлаш масаласи жиддий ижтимоий муаммога айланди. Бу муаммо йиллар мобайнида одамларнинг ялғи норозлигига сабаб бўлиб келди. Ўтган эрининг 70-йилларида Республикамизда яратилган электрлаштириш тизими ўтган йиллар мобайнида ҳам жисман, ҳам маънан эскирди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев сайловолди учрашувларида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, “республикамизда электр узатиш тизимининг 65 фоизи эскирди, бу тизимни тубдан ислоҳ этиш ва тамоман янгилаш вақти келди”, деган эди. Мамлакатимизда аҳоли ва ижтимоий тармоқларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати ҳам ўта қониқарсиз аҳволга тушиб қолган эди.

Шунингдек, аҳолини уй-ҳой билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммога айланган, қишлоқда яшовчи ҳар уч хонадондан иккитасида икки-уч ва ҳатто тўрт оила бирга истиқомат қилар, уларнинг ҳар бирини уй-ҳой билан таъминлаш муаммоси ўз ечимини топмай калаётган эди. Бунга сабаб, бир томондан қурилаётган янги намунавий уйларнинг нархи баландлиги боис аҳолининг муайян қисми уларни сотиб олишга қурби етмаслиги, иккинчи томондан, уй-ҳой куриш суръатлари аҳолининг табиий кўпайишига нисбатан бир неча баробар орта қолаётгани эди.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларини, яъни электр, газ, ичимлик суви муаммоларини ижобий ҳал этиш, арзон уй-ҳойлар куриш ва одамлар учун муносиб ҳаёт тарзини юзага келтириш аниқ режалаштирилиб, уни реал вақт режимида амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган. Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ амалга оширилиши натижасида ҳар бир оила уй-ҳой, электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Ҳозирги даврдаги жадал тараққийёт тенденциялари мамлакатимизни индустриал ривожлантиришда шахс салохияти, маънавий-интеллектуал омил ривожига устувор аҳамият қаратишни долзарб масалага айлантирди. Ватанимизнинг барқарор тараққийоти учун мажбул интеллектуал салохиятини самарали ишга солиш, мутахассисларнинг ўз фаолиятига онгли ёндашувини шакллантириш, уларнинг шахсий масъулият ва ташаббускорлик фазилятларини кучайтириш

Мамлакатимизнинг йорик шаҳарларида яшовчи таҳминан 40 фоиз аҳолидан ташқари барча ҳудудларда, яъни кичик шаҳар ва туман марказларида тортиб, газ этиб борган аксарият қишлоқлардаги хонадонларга газ ёқилгисини етарли даражада таъминлаш масаласи жиддий ижтимоий муаммога айланди. Бу муаммо йиллар мобайнида одамларнинг ялғи норозлигига сабаб бўлиб келди. Ўтган эрининг 70-йилларида Республикамизда яратилган электрлаштириш тизими ўтган йиллар мобайнида ҳам жисман, ҳам маънан эскирди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев сайловолди учрашувларида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, “республикамизда электр узатиш тизимининг 65 фоизи эскирди, бу тизимни тубдан ислоҳ этиш ва тамоман янгилаш вақти келди”, деган эди. Мамлакатимизда аҳоли ва ижтимоий тармоқларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати ҳам ўта қониқарсиз аҳволга тушиб қолган эди.

Шунингдек, аҳолини уй-ҳой билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммога айланган, қишлоқда яшовчи ҳар уч хонадондан иккитасида икки-уч ва ҳатто тўрт оила бирга истиқомат қилар, уларнинг ҳар бирини уй-ҳой билан таъминлаш муаммоси ўз ечимини топмай калаётган эди. Бунга сабаб, бир томондан қурилаётган янги намунавий уйларнинг нархи баландлиги боис аҳолининг муайян қисми уларни сотиб олишга қурби етмаслиги, иккинчи томондан, уй-ҳой куриш суръатлари аҳолининг табиий кўпайишига нисбатан бир неча баробар орта қолаётгани эди.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларини, яъни электр, газ, ичимлик суви муаммоларини ижобий ҳал этиш, арзон уй-ҳойлар куриш ва одамлар учун муносиб ҳаёт тарзини юзага келтириш аниқ режалаштирилиб, уни реал вақт режимида амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган. Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ амалга оширилиши натижасида ҳар бир оила уй-ҳой, электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Ҳозирги даврдаги жадал тараққийёт тенденциялари мамлакатимизни индустриал ривожлантиришда шахс салохияти, маънавий-интеллектуал омил ривожига устувор аҳамият қаратишни долзарб масалага айлантирди. Ватанимизнинг барқарор тараққийоти учун мажбул интеллектуал салохиятини самарали ишга солиш, мутахассисларнинг ўз фаолиятига онгли ёндашувини шакллантириш, уларнинг шахсий масъулият ва ташаббускорлик фазилятларини кучайтириш

Мамлакатимизнинг йорик шаҳарларида яшовчи таҳминан 40 фоиз аҳолидан ташқари барча ҳудудларда, яъни кичик шаҳар ва туман марказларида тортиб, газ этиб борган аксарият қишлоқлардаги хонадонларга газ ёқилгисини етарли даражада таъминлаш масаласи жиддий ижтимоий муаммога айланди. Бу муаммо йиллар мобайнида одамларнинг ялғи норозлигига сабаб бўлиб келди. Ўтган эрининг 70-йилларида Республикамизда яратилган электрлаштириш тизими ўтган йиллар мобайнида ҳам жисман, ҳам маънан эскирди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев сайловолди учрашувларида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, “республикамизда электр узатиш тизимининг 65 фоизи эскирди, бу тизимни тубдан ислоҳ этиш ва тамоман янгилаш вақти келди”, деган эди. Мамлакатимизда аҳоли ва ижтимоий тармоқларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати ҳам ўта қониқарсиз аҳволга тушиб қолган эди.

Шунингдек, аҳолини уй-ҳой билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммога айланган, қишлоқда яшовчи ҳар уч хонадондан иккитасида икки-уч ва ҳатто тўрт оила бирга истиқомат қилар, уларнинг ҳар бирини уй-ҳой билан таъминлаш муаммоси ўз ечимини топмай калаётган эди. Бунга сабаб, бир томондан қурилаётган янги намунавий уйларнинг нархи баландлиги боис аҳолининг муайян қисми уларни сотиб олишга қурби етмаслиги, иккинчи томондан, уй-ҳой куриш суръатлари аҳолининг табиий кўпайишига нисбатан бир неча баробар орта қолаётгани эди.

Avgust kengashlari oldidan

Тадқиқотлар
технологиясимустақил ўқиб-ўрганиш кўникмасини
ривожлантиради

Ўқувчи назарий билимлар ҳаётнинг, касбий фаолиятнинг ажралмас қисми эканини ҳис қилиши, таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма, малакаларини амалда қўллай олиш компетенциясига эга бўлиши керак. Бунинг учун дарсларда тадқиқотчилик кўникмасини ривожлантиришга оид педтехнологиялардан фойдаланиш талаб этилади. Мисол учун, тадқиқотлар ёки лойиҳалар технологияси ўқувчиларнинг мустақил амалий фаолиятини кучайтиради, таълим жараёнини ҳаётга яқинлаштиради. Янги фаолият турларини ўзлаштиришга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишга ўргатади. Лойиҳанинг ҳар бир иштирокчиси натижага эришиш орқали муваффақиятини ҳис қилади, шахс сифатида улғаяди.

Тадқиқотлар технологиясини ҳамма фанлар қатори тарих фанини ўқитишда ҳам қўллаш мумкин. Жараёнда ўқувчилар мавзуга оид билимларни эгаллашда фақат дарсликка таяниб қолмай янги маълумотлар топади. Изланиш, фикрлаш, далилларни таҳлил этиш, умумлаштириш орқали ўзларини янгилик яратувчи, ихтирочи сифатида ҳис қилишади.

Жараёндаги ижодий фаолият ўқувчиларга билиш, ўрганиш ва мулоқот қилиш қуввончини ҳаётиятга. Бунда куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш керак. Биринчидан, ўқувчиларнинг ишини назорат қилиш ва чеклашдан қочиш, мустақил фаолиятини рағбатлантириш лозим. Иккинчидан, қатъий режага ёпишиб олмаслик керак. Учинчидан, лойиҳаларни жамоа бўлиб бажаришлари зарур. Бу ҳамкорликда ишлаш кўникмасини ривожлантиради.

Дастлабки босқичда гуруҳ бўлиб бажариладиган лойиҳалар устида ишлаш мақсадга мувофиқ, 5-синфларда тарих фани бўйича қўллана-

диган лойиҳалар афсона қаҳрамонларини (Широк, Тумарис), тарихий шахсларни (Ибн Сино, Ал-Хоразмий) ўрганишга ёки санъат ва маданият ҳақидаги тушунчаларни ўстиришга (Қадимги дунёнинг етти мўъжизаси, пирамидалар) ёрдам беради. 6-синфда ибтидоий давр мавзусини ўтганимда ўқувчиларга шу даврда яшаган одамларнинг меҳнат қуролларини ясаб келиш (кичик лойиҳа)ни тайинлайман. Лойиҳа тури ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига, мавзунинг ҳажмига, ўқув жараёнининг ташкил этилишига боғлиқ.

Қадимги дунё тарихи даврини ўрганишда уйга вазифа сифатида тақинчоқлар ясашни, лой тахтачалар, ўсимлик поялари, ипакка битилган ёзув намуналарини тайёрлаб келишни топшираман. Ёки мустақил ҳолда қадимги солномалар, асарларга таяниб, мавзуга оид ижод қилиб келишни айтаман. Масалан, Юнонфорс урушлари тарихи, Цезар даври урушлари эсдаликлари, Александр Македонскийнинг устози Аристо-

телга ёзган хати кўринишидаги маълумотларни мустақил тайёрлаш уларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлайди. Бундай лойиҳаларни бажариш ва таҳлил қилиш натижасида ўқувчилар ўзлари ёзган маълумотлар тарихий воқеликка тўғри келишини, ҳужжатларда хатоликлар бор йўқлигини текширади. Уларда танқидий ёндашув кўникмаси ривожланиб, ахборотни мустақил ўрганишади.

Ўрта асрларда Европа ва Осиё шаҳарларининг ривожланиш хусусиятлари" номли лойиҳани бажариш давомида ўқувчилар ўрта асрларда Европа ва Осиё шаҳарсозлиги, савдо-сотик, ҳунармандчиликнинг ривожини, давлат бошқаруви, аҳолининг яшаш шароитини солиштириб, таҳлил қилишди. Жараёнда турли тарихий ҳужжатлар, ёзма манбалардан фойдаланиб, мавзуга оид альбом, тақдирот тайёрлашди.

9-синфларда хонликлар даври ўрганилаётгани учун Хива шаҳрига саёҳат уюштирдик. Ўқувчилар Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти билан танишди. Таассуротларини умумлаштириб, "Хивага саёҳат" мавзусида расми қоллаж ва мусиқали видеоролик яратишди.

Тақлиф қилинаётган методда лойиҳалар учун алоҳида дафтар, иш папкалари юритиш ёки топшириқчи вақтларда бажариб, иш охирида кўргазма шаклида намойиш этиш мумкин.

Наргиза ТОЖИЕВА,
Урганч туманидаги 38-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Математика кундалик ҳаёт билан боғлиқ фан. Уни яхши ўзлаштириш ҳар бир ўқувчи учун зарур. Ҳамкасбим Нозима Очилованинг "Ma'rifat" газетасида чоп этилган (2016 йил 23 ноябрь) "Билимни мустаҳкамлаш машқлари ўқувчиларни фанга қизиқтириб, дарснинг мазмунли ўтишини таъминлайди" деб номланган мақоласида ҳам математика фанининг бироз мураккаблиги, шу боис уни ҳар хил ўйинлар ёрдамида қизиқарли ташкил этиш яхши самара бериши таъкидланган.

Мураккаблик
ортидаги
қизиқарлилиқ

Мен ҳам математикани билиш ҳар бир инсон учун фойдадан холи бўлмаслигини инобатга олиб, ўқувчиларимнинг фанга қизиқиши, эътиборини сусайтирмаслик чораларини кўриб келаман. Бунинг учун математик мисол ва масалаларни янгидан-янги усулларда етказишга интиламан. Мавзунини тушуниришда компьютер, проектор ва интерактив электрон доскадан фойдаланиб, ўқувчиларнинг тасаввурини кенгайтириш, хотирасини мустаҳкамлаш ва вақтдан унумли фойдаланишга эришяпман.

Электрон дарслик, ўқув фильм ва анимацион кўргазмали тажрибалардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширади. Чунки АКТдан фойдаланиш дарсда кўргазмалликни таъминлайди, ўқувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашига замин яратади, ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини тезкор назорат қилиш имконини беради.

Электрон дарслик ва ўқув фильмларининг яратилгани 5—9-синф ўқувчилари учун айна мудоа бўлди. Улардан дарс жараёнида фойдаланиш ўқувчиларнинг қўшимча билимларини ҳам бойитишга туртки бермоқда. Улар болаларнинг:

- компьютер саводхонлигини оширади;
- фаннинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тасаввур беради;
- фанга қизиқишини оширади;
- тажрибаларни ўзи муста-

қил бажаради, хатоликларни тушунади ва мустақилликка ундайди;

— ўзини ўзи назорат қилишни ўргатади.

Хусусан, 9-синф ўқувчиларига "Квадрат функция ва унинг графиги" мавзусини электрон дарсликдан фойдаланиб ўтганда функция графигини чиқиш, ўсиш ва камайиш оралиқларини топиш, графикка қараб функция хоссаларини айтиб бериш осонлашади. Параболанинг табиатдаги кўринишлари орқали эса унинг фокус нуқтасининг аҳамиятини тушунириш энгилрок кечади.

Электрон дарсликларнинг математика фанига мос яратилганлиги янги мавзунини тушунириш ва мустаҳкамлашда, савол ва масалалар тузишда, шунингдек, ўқувчи билиминини синашда тест материалларидан фойдаланиш имконини беради.

Таълим жараёнининг самарадорлиги унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг ижодкорлиги, касбий маҳорати, дарс жараёнининг ўқув-методик жиҳатдан таъминланганлик даражаси ўқувчининг дарсга эътибори ва қизиқишига катта таъсир кўрсатади. Шу боис биз педагоглардан ҳамisha янгиликка интилиш талаб этилади.

Гулноза Жўраева,
Бухоро шаҳридаги 32-мактабнинг математика фани ўқитувчиси

Таълимда табақалаштириш
ўқувчиларни билим, кўникма ва малака борасида
тенгликка олиб чиқишга хизмат қилади

Ўқитувчилик фаолиятини бошлаганимга кўп бўлмади. Шу қисқа даврда ўқитувчининг маҳорати фақат билим даражаси билан белгиланмаслигини англаб етдим. Педагог тажрибаси касбий кузатувлар, устозларнинг маслаҳати ва кўмаги, ўз устида тинчмас ишлаш, янги методларни дарсга жорий этиши орқали йилдан-йилга ортиб бораркан.



Табийий фанларни ўқитишда амалий машғулотларни оқилонга ташкил этиш ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширади. Шу боис ҳар бир дарс аввалида келаси мавзу учун керак бўладиган ўсимлик ва ўсимлик қисмларини топиб келишни вазифа қилиб бераман. Ўқувчилар бу ишни катта қизиқиш билан бажаришади. Қўлларидан ўсимликни тугган ҳолда дарсда қатнашиш мавзунини ёдда сақлаб қолишда самара беради.

Ўтган ўқув йили табақалаштириб дарс ўтсам, натижа қандай бўларкин, деб кўп ўйладим. Бу орқали ўқувчиларимда норозилик уйғонишдан бироз чўчисам-да, синаб кўришга аҳд қилдим. Ўқувчиларни уч гуруҳга бўлдим: "намунали", "яхши", "ўрта". Дарс сўнгидан олган баҳоларига қараб жойлаштирдим. Натижада ҳар бир

ўқувчи фаолликка, мунтазам ўз устида ишлашга, ҳар бир мавзунини ўқиб, яхши ўзлаштиришга ва ўз имкониятларини намоён қилишга интила бошлади. Натижада "намунали", "яхши" гуруҳ аъзолари кўпайди.

Жараёнинг услубий номланиши "табақалаштириш" бўлса-да, аслида жараён моҳияти ўқувчиларни тенгликка олиб чиқишга қаратилган. Бунда ҳар бир ўқувчи бугун "ўрта" гуруҳда бўлса, эртага "намунали" гуруҳ аъзосига айланади. "Намунали" деган ўқувчи "яхши"га ўтиб қолиши мумкин. Демак, улар орасида "аълочи", "иккичи" деган атамалар йўқолиб, фақат мавжуд тайёргарлик, ўзлаштирганлик даражаси муҳим роль ўйнайди.

Мазкур методни қўллаганимдан сўнг ўқувчиларимнинг билим даражаси сезиларли кўтарилди. Фаол бўлмаган ўқувчиларимда ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Гулсара Абдувалиева,
Шароф Рашидов туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси

2017-yil 22-iyul, № 58 (9019)

«Ахборотнома»лар яна чиқарилсайди...

Киши ҳаётида шундай дамлар бўладики, ҳамиша хотирасида сақланиб қолади. Ана шундай ҳаяжонли даврлардан бири — абитуриентлик...

1997 йили мактабни тамомлаганман. Ўша пайтлари олий ўқув юртига кирувчилар учун тест саволлари берилган «Ахборотнома»лар нашр этиларди. Ундаги саволларга жавоб топиш учун синфдошлар ўзаро келишган ҳолда «Ахборотнома»нинг турли сонларини сотиб олар, алмашиб фойдаланардик. Бундан мақсад пулни тежаб кўпроқ билимга эга бўлиш эди.

Ўқув йили охирида мактабдан олинган китобларни топшира бошладик. Ўша йиллари мактаб кутубхоначиси Норбой Курбонов деган киши эди. Унга ўқишга кириш учун тайёрланаётганим туфайли баъзи китобларни вақтинча топшира олмаслигини ҳамда кутубхонадан яна китоблар олишим кераклигини айтдим. Норбой ака «Хўп» деди-да, «Ўқишга кирсанг мени эслаб юрарсан» дея кўшимча қилди.

Мактаб дарсликлари, кўшимча адабиётларни мустақил ўқиб ўргандим. Ўзимча тест синовларига тайёргарлик кўрдим. Чамамда «Ахборотнома»да берилган баъзи саволлар жавобиданоаникликлар бордек туюлди. Шу менга ланд бердим, ёки омадним келмай, биринчи йили ўқишга киролмадим.

Кейинги йили тест синовларига астойдил тайёрландим. 1998 йилнинг 17 майдан уй иш-

ларига деярли ёрдамим тегмади. Ёз ойлари, ҳаво ҳарорати кўтарилиб, одамлар салқин уйлариди дам олган кезларда тўй ва базмлардан, тенгқурларим суҳбатидан ўзимни тийиб, вақтимни фақат ўқиш билан ўтказдим. Қанча ўқиб, ҳаракат қилсам-да, ўз-ўзимга «Бу ўқишлар ҳали жуда кам», дея ўқтирдим. Кечалари соат учгача тест синовларига тайёргарлик кўрган пайтларим бўлган...

Халқимизда инсон астойдил ҳаракат қилса, албатта, кўзлаган мақсадига эришади, деган гап бор. Меҳнатларим эвазига давлат гранти асосида талаба бўлдим. Хотирамда абадий муҳрланган, кейинги фаолиятим учун асос бўлган олис абитуриентлигимни эслаб, бугунги кун ёшлари нималар билан банд экан, дея ўйга толаман.

Абитуриентлик пайтларимизда кўпчилик ўз билимига ишонар, «шпаргалка», «кўенча», «бункер» деган миш-мишлар йўқ эди. Бугун тест саволлари жуда кўп. Шунинг учун имтиҳон саволлари берилган «Ахборотнома»лар нашрини яна йўлга қўйиш, улардан абитуриентлар бирдек фойдаланиши учун барча таълим муассасалари яқинидаги савдо шохобчаларига, дўконларига сотувга чиқариш керак. «Ахборотнома»ларда тест синовларининг таҳлилини ёритиб бориш ҳам абитуриентларнинг пухта тайёрла-нишига ёрдам беради.

К.ПОЛВОНОВ,

Қашқадарё вилояти ТХҚТМОЙ ўқитувчиси

Абитуриент «кроссворд» ечмасин!

«Ma'rifat» газетасининг шу йил 22 февраль сонида чоп этилган «Она тили таълими: давр талаби ва ижтимоий зарурат» (Бахтиёр Менглиев) мақоласини ўқигач, муаллиф таълим системиздаги долзарб, ўта зарур муаммоларга диққатимизни қаратганига, кўпчиликнинг кўнглидан ўтаётган фикрларни ўртага ташлаганига суюндим. Таълимда она тилини ўқитиш нечоғлик муҳимлигини ҳар қайси педагог, зиёли яхши билади. Боланинг олам ҳақидаги дастлабки тасаввур, билимлари, фикрининг тобора ўсиши ҳам она тилини қай даражада ўранишига боғлиқ.

Таълим системасини баҳолайдиган омил деб кўпимиз олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини кўрсатамиз. Аслида ҳам шундай! Юртимиздаги барча университет, институтларга кириш имтиҳонларида абитуриент она тили фанидан ҳам тест топширади. Бу эса кунни тунга улаб тайёрланаётган ўғил-қизнинг она тили ва адабиётдан астойдил ўқишини аниглайди. Ўзим ҳам талабалар сафига қўшилганимга кўп бўлгани йўқ. Абитуриентлик даврида бошқа фанлардан фарқли, она тилини ўзлаштириш қийинроқдек туюлди. Буни математика, физика, кимё, биология, тарих ва инглиз тилини пухта ўзлаштириб, тест синовларидан юқори балларни тўплаган, бироқ она тили блокдан ҳеч қанча балл йиғолмаган тенгдошларим ҳам айтади. Менингча, мақолада таъкидланганидек, она тили таълимига назариянинг ҳаддан ортиқ кўп тиқиштирилгани ва унинг тишшонослик назарияси билан қориштириб юборилгани бунга сабаб. Мана, масалан, абитуриентлар кутубхонаси учун мўлжалланган она тили ва адабиёт фанидан тест топширилгани тўпламидан айнан келтирамиз:

Берилган парчада неча феъл таркибиди нисбат қўшимчиси сўз ясовчи қўшимчадан сўнг қўлланган?

«Тасвирий иншоларда

шахслар ва манзаралар кўз олдига келтирилиб, уларнинг тасволлари гавдалантирилади. Тасвирий иншолар ўқувчиларнинг фикрини ўстиради, улардаги кузатувчанлик қобилиятини ривожлантиради ва ёзма нуқтни кенгайтиради».

- A) 4
B) 3
C) 5
D) 6

Ўқувчининг бундай саволларга жавоб бера олиш ё олмаслиги уни қайси томондан баҳолайди? Унинг зийрак ва кўзи ўткир эканлиги синовдан ўтадими?

Ёки бошқа бир ўринда:

Қуйидаги қайси гапда кўмакчи сўз билан ифодаланган кесимга боғлаган?

- A) Ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган ўғлонларимиз ҳақида гапирмоғимиз зарур.
B) Утасини бу ерга дам олиш учун олиб келгани маълум бўлди.
C) Юртимиз ривожига ўз билимимиз билан ҳисса қўймоқ — бизнинг мақсадимиз.
D) Бу кўмгон чой қайнатилиш учун сотиб олинган.

Буниси анча вақт бош қотириб, жавобни топиш учун тузуккина тер тўкишни талаб этади. Имтиҳонда ўтирган бола тўғри калитни топгунча уч-тўрт мавзунга эслаб, уларнинг ичидан яна бўлимларини аниқлаб, қисмларини бирлаштириб, сўнг

вариантларга ўтади. Ўшанда ҳам иш якунланмай, ҳар бир гапни таҳлил қилиб, иккиланганларининг ҳам орасидан анигини топишга уринади. Бўлмаса, таваққалига белгилаб чиқаверади. Агар абитуриент келажакда иқтисодчи, шифокор, техник ходим, юрист, муҳандис бўлиш орзусида юргану, иқтидори ҳам шунга етса, бироқ бу «кроссворд»ни ечолмас... имтиҳондан йиқилади. Бундай абитуриентга она тили таълимида илмий терминлар ёки ўзбек тилига илм-фан ютуқлари орқали кириб келган янги сўзларни ўқитиш, улар билан таништириш кўпроқ фойда бермайдими?!

Қайси соҳа бўлмаса, кишининг ўз фикр-мулоҳазасини бошқаларга етказиши жуда муҳим. Ўқувчининг оғзаки ва ёзма нутқини ошириш она тили таълими мазмунининг бош вазифасидир. Лекин дарсликларда бу вазифанинг бажарилаётганини кўрсатувчи машқлар ёки тест саволларида ана шундай мақсадга йўналган синов топшириқларининг жуда камлиги, аксарият ҳолларда йўқлиги бизни таажублантиради. Ана тили дарсликларини обдон ва рақлаб чиқсак, уларда нутқ услубларига оид мавзуларнинг жуда камлиги, аксари эса қуруқ назарий қоидалар билангина чекланаётгани эътиборлидир. Аслида, нутқ услубларига доир мавзулар амалий машқ ва топшириқлар билан бойитилган бўлиши зарур. Айниқса, расмий-идоравий услубга она тили таълимида кенг ўрин ажратилиши фойдали. Ақс ҳолда мактабда она тилини аъло баҳога ўқитилган ҳам бирор жойда ариза ёки маълумотнома ёзишга қўйналади.

Ойдин НУРУЛЛАЕВА

Биз шахс сифатида ўз жисми-жонимизни, ақлий имкониятларимизни бугунги кунга, ўз ёшимизга мувофиқ тарзда биламизми, нималарга қодирми-зу, нималарни ҳали билмаймиз. Бу савол ҳаммамизни, ҳар кунни қизиқтириб келади. Уларга жавоб топишга ҳаракат қилиб яшаймиз. Аслини олганда жавобини биламиз. Аммо нимагадир саволнинг жавобини «билмасликни» афзал кўрамиз.

Ахир, мактабни тугатиб олий таълим даргоҳига ўқишга киришга тайёрланар эканмиз, ўз имкониятларимизни, тест синовларидан яхши ўтиш ёки ўтолмаслигимизни биламиз. Бошқача айтганда, бу саволнинг чегараларини ўз ички назоратимизда сезамиз.

Шу ўринда имтиҳондан ўтишда ўзидан бошқага ишонувчиларга психолог сифатида оддий бир маслаҳат: уларга ишонсангиз, имтиҳон пайтида ўз билганларингиз ҳам ёдингиздан чиқиб кетмади. Чунки миямизнинг фаолияти табиатан шундай: у фақат ўзимиз буюрган нарсанигина хотирасида сақлаб қолади. Бу буйруқ берилмаган, бошқа ҳолат ва сабабларга таянган пайтлари керакли маълумотни бор бўлса ҳам тиклаб, чиқариб бера олмайди.

Ёдимда бор, буни биламан!

Демак, ўрганаётган пайтимизда бу маълумот менга керак, уни эсда сақлаб қолишим зарур, деб ўрганасан у ёдимизга муҳрланиб қоларкан. Ёдда сақлаб қолишнинг яна бир муҳим шarti, ўрганилган маълумотни 1-2 соат ичида албатта такрорлашдир. Шунда хотирада яхши қолади. Кейинчалик уни хоҳлаган пайти эслаш, тиклаш мумкин.

Хотира масаласига келганда шунинг ҳам айтиш мумкинки, биз ниҳоятда кўп нарсани биламиз ва буни ҳаётий тажрибамиз билан тасдиқлашимиз мумкин. Аммо масаланинг иккинчи томони шундаки, биз кўпинча билганимиздан керакли пайти фойдалана олмаймиз. Яъни, керакли пайти, масалан, бирор тенгламани ёддан айтолмаймиз. Бу ҳақда «Қобуснома»да айтилганидай билганини биладиганлар бор, билганини билмайдиганлар ва ниҳоят билмаганини билмайдиганлар бор.

Билганини биладиган абитуриент имтиҳон пайти ҳар бир керакли маълумотни ўз миясидан бемаол чиқара олади. Демак, у саволларга жавоб беради. Билганини билмайдиганлар аслида билади, аммо керакли пайтда берилган саволга жавобни айта олмайди. Билмаганини ҳам билмайдиганлар ҳақида сўз юритиб ўтириш шарт бўлмаса керак. Ўша «Қобуснома»да айтилганидай — улар жоҳиллар.

Инсон хотираси турли усуллар билан маълумотларни сақлаб қолади. Демак, у керакли пайти ўша маълумотни айнан мана шу усуллар орқали енгил тиклайди.

Агар хотирангиз асоциатив шаклда ёдлашга ўрганган бўлса, демак, олинган маълумот бирон воқеа билан боғланган ҳолда ёдингизда қолади. Сиз ўшбу маълумотни, унутмангки, керакли пайти айнан мана шу усулда, яъни асоциатив шаклда тиклашингиз осон кечади. Масалан, бирон қоидадан ўз вақтида ёдингизда сақлаб қолаётган пайтингизда ушбу қоидага боғлиқ бирор воқеа сизнинг хотирангизда яхши сақланиб қолган. Демак, сиз керакли қоидадан ёдингизда тиклашга қийналиб турган пайтингиз ўзингизни фақат шу қоидадан эслаш билан қийнамасдан қоидадангиз эсингизда қолишига сабаб бўлган воқеани тезроқ эсланг, шунда қоида енгилгина ёдингизга тушади, қайта тикланади.

Бу ҳол ҳар қимда ҳар хил кечади. Чунки бизнинг ҳар биримиз ўз ёдлаш, хотирада сақлаш ва хотирадан тиклаш усулларига эгамиз ва шу билан ҳар биримизнинг шахсий индивидуаллигимиз кўриниб туради. Хотирадан ўз билган маълумотларимизни тиклаб ишлатишнинг қулай пайти бу инсон организмнинг энг уйғоқ, хотиржам ва ҳар бир инсоннинг биологик фаол пайтига тўғри келади.

Демак, биз ўз имкониятларимизни тўлиқ намоён қилишимиз учун, бу имтиҳон пайтлари ўта муҳим ҳолат, билганимизни билишимиз, маълумотларни намоён қилиш пайти энг фаол ҳолатда бўлишимиз, бошқа ташқи таъсирларга чалғимаслигимиз зарур. Кўшимча воқеалар орқали ҳам асл мақсадга эришиш мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Шундагина, мен бунини биламан, деб ўз билимингизни тўлиқ намоён қила оласиз.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
психолог факультети номзоди

Дунёнинг азим дарёлари

Сув — ҳаёт, тириклик манбаи. Ер юзидagi жамики жонзот сув билан барҳаёт. Улкан ўзанларда мавжланаётган шаффоф суюқлик шу қадар эркин ва тезкорки, уни на тўтиб, на жиловлаб бўлади. Аммо инсоният пайдо бўлаганидан то бузунга қадар сайёрамызда ҳосил бўлган дарёларнинг беминнат хизмати туфайли биз тўпганиб турган сув манбаларини истеъмола учун керакли жойларга йўналтираемиз. Бунда дунёнинг энг йирик дарёлари, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг энг йирик дарёлари ҳақида кўп эшитганмиз. Бироқ уларнинг ҳажми қай тарзда ва қандай мезонлар асосида аниқланишини ҳаммамиз ҳам билвермаймиз. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарёларнинг умумий ўлчами уларнинг узунлиги ва кенглиги асосида белгиланади. Аммо дарёнинг эни ва узунлигини ўлчаш билан иш битмайди. Аниқ тўхтамга келишда дарёга йил давомида қуйиладиган сув миқдори, дарё ҳавзасининг сув тўплаш майдони ҳамда сарфланадиган сувнинг энг юқори кўрсаткичлари инобатга олинади.

Дарёнинг ҳажмига келсак, аввал унинг узунлиги, сўнг кенглиги ўлчанади. Бироқ узунликни ўлчаш ҳам биз ўйлагандек оддий жараён эмас. Одатда, йирик сув йўлининг ўзани ҳам унинг ўзи сингари кенг бўлади. Шунга кўра, кўпинча бир қирғоқнинг узунлиги қарама-қаршидаги бошқа қирғоқ узунлигига мос келмайди ва бу соҳа мутахассислари ишини мураккаблаштиради. Мутахассислар машаққат билан бўлса-да, ер юзидagi дарёлар ҳажмини аниқлаб, улар ичида энг йирикларини аллақачон инсониятга маълум қилган.

АФСОНаВИЙ АМАЗОНКА



Дунёдаги энг йирик дарёлар орасида етакчи ҳисобланган Amazonka Жанубий Американинг "юраги" саналади. Буни қарангки, бир неча йиллар аввал олимлар бу улкан дарё сайёрамызда Нилдан кейин иккинчи ўринда турлишини таъкидлаган эди. Бироқ сўнги текширувлардан, аниқроғи, дарё Укаяли манбасидан ўлчана бошлангач, барчаси ўзгарди. Amazonka дунёда биринчи экани ўз тасдиғини топди. Олимлар 7000 км узунликка эга Amazonka дарёси дунёдаги энг узун сув йўли эканини расман тасдиқлади.

Дарҳақиқат, Amazonka ер юзидagi энг катта сув ҳажмига эга дарё. Унинг соҳиллари Перунинг баланд Анд тоғларидан бошланиб, сув оқими Бразилия дельталарига боради. Жанубий Америка сувларининг 40 фоизини мана шу дарё ҳиссасига тўғри келади. Дарё айниқса, ёмғирлар мавсумида шу

қадар тўлиб оқади. Аммо қурғоқчилик вақтига келиб, бу ерларда катта-катта кўрфазлар ҳосил бўлади. Дарёдан кўрфазларга чиқадиган тонналаб балиқлар, бу ерларда изғиб юрадиган йиртқичлар учун тайёр озуқа.

Мовий дарё туби ўзи сингари шаффоф. Бу ерда балиқ ва сув жонзотларининг турфа хили учрайди. Айниқса, тимсоҳлар оиласига мансуб кайманлар бу ерни ўзи учун макон қилган. Дарё тубида 3000 турга яқин балиқ яшашига қарамай, уларнинг фақат 2/3 қисмигина ўрганилган. Дарёнинг энг гаройиб жонзоти — афсонавий Amazonka инияси ҳисобланади. Дарё дельфинларининг бир тури бўлган бу жонзотнинг узунлиги 3 метр, оғирлиги эса 90 кг.гача етади. Ҳайратланарлиси, экзотик жонзотнинг мияси инсонникидан 40 фоиз каттароқ бўлиб, у фавкулда ақли ва табиатан жуда ўйинқароқдир. Amazonkaда кулрангдан тортиб, пушти тусдаги инияларни учратиш мумкин. Дарё дельфинлари табиатан кўзи ожиз. Бироқ улар табиат инъом этган махсус эшитиш аъзолари ёрдамида ўз озуқасини устомонлик билан топа олади.

Amazonka Жанубий Американинг барча сув йўлларини кесиб ўтади. Дарёнинг муз манбалари Перунинг баланд Анд тоғларида бўлишига қарамай, унинг сув оқими қадимдан 1800 км пастликдан, яъни Укаяли ва Мараньон дарёлари туташган ердан бошланади. Улар Перу чангалзорларида ўзаро қўшилиб кетганидан сўнггина дарё Amazonka номини олади.

Amazonka қирғоқларида 7 млн.га яқин аҳоли истиқомат қилади. Шиддатли оқим билан ҳаракатланадиган дарё барча қирғоқлари устидан «хукмронлик қилади». Уни на юпун қишлоқ аҳолиси ва на ҳовлиқма шаҳарликлар бошқаришга қодир. Amazonka фақат табиат қонунларигагина бўйсунмайди.

Чуқурлиги бир неча юз метр, кенглиги 40 км.гача борадиган Amazonka сайёрамыздаги энг чуқур сув йўлидир. Буни қарангки, инсоният ханузгача бу улғувор ва беқарор сув оқимини жиловлаб олмаган. Дарёнинг бошидан то қуйилиш жойигача бирор кўприк ўтмаганлиги фикримизни тасдиқлайди. Ҳатто, ҳеч бир тўғон унинг оқимини секинлаштира олмайди. Киши қадами етмаган бу жойлар кўп асрлар давомида Amazonkани инсоният аралашуви ҳамда унинг дарёга етказадиган зарарли таъсирдан ҳимоя қилиб кел-

Биласизми?

ган. Яқин йилларгача дарё ҳавзасидаги бу ўрмонларга ҳеч нарса хавф сола олмаслигига барча ишонарди. Аммо доим табиат устидан хукмронлик қилишга ошиқадиган одамзод бу ерларга ҳам таҳдид сола бошлади. Amazonka атрофида тобора авж олаётган савдо-сотик ишлари чангалзорнинг секин-аста йўқолиб боришига таъсир кўрсатиши ҳеч гап эмас. Бироқ бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, ер юзидagi кислороднинг сalkam 20 фоизини Amazonka қишлоқларидаги флора олами ишлаб чиқаради. Бу эса инсоният учун моддий бойликдан кўра анча муҳимроқ, албатта.

САРКАШ НИЛ САХОВАТИ



Куруқ иқлим шароити ва унумдор ерлар тақчил бўлган Нил атрофида истиқомат қиладиган инсонлар бу ер қадимдан илоҳий саналгани учунгина яшаб келинади, деб ҳисоблайди. Қўлаи жиҳатидан дунёда иккинчи бўлган дарёнинг узунлиги 6852 км, ҳавза майдони эса 3,3 млн кв. км.дан зиёд. Маълум бўлишича, Нил атрофида яшаш осон эмас. Боиси, бу ерда гуруч ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун доим қулай вақтни кутишга тўғри келади. Ёмғирлар мавсумида дарё суви тошиб, ўзида унумдор лойқа ҳосил қилганидан сўнг бунга имкон туғилади.

Дарёнинг бошланиш ирмоғи Шарқий Африка тепаликларида ҳосил бўлади. Арабистон ва Ливия чўллари ахратиб турувчи Нил сувлари жанубдан Африка қитъасининг шимолига томон бориб, Ўрта Ер денгизига қуйилади. Водийнинг кенглиги ундаги ҳаётга қараб 1 дан 25 км.гача чўзилиши мумкин. Ўлка аҳолисининг 95 фоизини йирик дарёнинг мана шу оралиғида истиқомат қилади. Мовий сув йўлининг дельтаси Ердаги энг серунум жой бўлиб, бу ердан йилга уч маротабагача ҳосил йиғиштириб олинади.

ЯНЦЗИ — СОКИН ДАРЁ



Осиёдаги бу азим ва чуқур дарё сайёрамыздаги йирик дарёлар рейтингининг учинчи ўрнини банд этган. Дарё узунлиги 6,3 минг км, ҳавза майдони эса 1,8 млн кв. км.дан ортиқ. Дарё суви Сино-Тибет тоғ йўлидан оқиб ўтиб, Сичуан ҳавзасига қуйилади. Улкан сув йўли дара чуқурликлари бўйлаб ўтар экан, янада гўзал манзара ҳосил қилади. Бу ерда оқим тезлиги ниҳоятда юқори бўлгани боис, худудда «Уч дара» номи йирик гидроэлектростанция барпо этилган.

Буюк Хитой текисликларининг жанубий қисми бўйлаб кенг ёйилган дарё суви мамлакатдаги энг катта беш кўлдан тўрттасини тўлдириб туради. Дарё 80 минг кв. км дельта майдонига ҳосил бўладиган сув қуйилиш қисмида алоҳида тармоқларга ажралади. Дарё суви Тинч океанига бориб қуйилади.

Янцзи бўйлаб кўплаб кўприклар бунёд этилган. Улар орасида Сутун кўприги алоҳида аҳамиятга эга. Оралари йўғон арқондан бунёд этилган кўприк дунёда энг узун йўл ўтказгич саналади (узунлиги 8 км).

Мовий дарё хилма-хил сув жонзотларининг яшаши ва кўпайиши учун ниҳоятда қулай. Бу ерда аллигаторлардан тортиб, сайёрамыздаги чўчүк сувда яшовчи балиқларнинг аксариятини учратиш мумкин. Ҳатто, дўнгпешона, амур ва зогорабалиқ каби балиқлар ҳам талайгина.

САРИҚ ДАРЁ



Узунлиги 5464 км, сув ҳавзаси майдони 700 минг кв. км бўлган Хуанхе дунёдаги энг катта дарёлар рўйхатида тўртинчи ўринда. Тибет тоғларидан бошланадиган сув оқими Син-Су-Хай текислигидаги ботқоқликлар бўйлаб оқиб ўтади. Бу ерда дарё янада тўлиб-тошиб, Царинор ва Норин-нор кўллари билан қўшилиб кетади. Сув оқими Куньлун ва Наньшан тоғ тизмалари орқали оқиб ўтар экан, буюк Хитой кенгликлар томон катта бурилиш қилади ва тўғри Сарик денгизга бориб қуйилади. Ўрмондан чиқаётган сон-саноксиз илдилар ҳисобига сарғиш тусда намоён бўлгани учун у «Сарик дарё» деб ҳам аталади.

Мухтасар қилиб айтганда, дарёлар инсоният, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сув билан таъминлаб, уларга ҳаёт бағишлайди. Унумдор қирғоқ ерлари қадимдан инсонларнинг ҳаёт кечириши учун қулай маскан саналган. Бу ерларда, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик билан шуғулланиш учун барча шароитлар мавжуд. Умуман олганда, ер юзини дарёларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар фусункор табиатнинг бир бўлаги бўлиш билан бирга, ичимлик суви ва электр токи манбаи ҳамдир.

Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.

Янцзи худди Нил сингари сув тошқинидан сўнг ўз қирғоқларида ҳосилдор лойқаларни қолдиради. Хитой аҳолиси бундан қишлоқ хўжалигида умумий фойдаланади. Аммо Сарик дарё, кўпинча, ўз қирғоқларидан чиқиб, ўзани кескин ўзгартиришга қодир. Унинг шиддатли тўлқинларини олдиндан билиб бўлмайдиган тўфонини тўхта-тишга, ҳатто, кўп сонли мустақам дамбалар ҳам ожиз.

Дарё қачонлардир хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой бўлган. Аммо ҳозир унда тирик жонзот деярли йўқ. Бунга қарай сувининг нефтни қайта ишлаш корхоналаридан чиқадиган зарарли моддалар билан ифлосланганлиги сабаб. Улкан дарёни тозалаш учун ҳар йили маҳаллий ҳокимият томонидан катта маблағ ажратилишига қарамай, ҳамон сезиларли натижага эришилгани йўқ. Ачинарлиси, дарё сувининг ҳеч бўлмаганда, 30 фоизи ҳам ярқили эмас. У, ҳатто, sanoатда қўллашга ҳам ярамайди.

Обь — САНОАТ ОМИЛИ



Дунёдаги энг узун сув йўллари рўйхатининг бешинчи ўрнини Россиядаги йирик Обь дарёси тўлдиради.


Обь 5410 км узунликка эга. Сув ҳавзаси майдони деярли 3 млн кв. км.га етади. Дарёнинг йирик сув оқими Олтойдаги Катун ва Бий сув йўллари туташган жойда пайдо бўлади. Унинг қирғоқларида дунёнинг уч мамлакати — Россия, Хитой ва Қозғистон аҳолиси истиқомат қилади. Айтиш жоизки, азим дарё 30 млн аҳолига оби-ҳаёт инъом этиши билан бирга, туташ худудларда экологик барқарорликни таъминлаш ва sanoатни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ердан нефть, газ ва торф қазиб олинади. Бундан ташқари, Обь кема қатнови анча ривожланган дарёлардан саналади. У орқали юк ва йўловчи ташиш хизмати кенг йўлга қуйилган.

Йирик сув ҳавзаси кўплаб наслдор sanoат балиқларига бой. Муболагасиз айтганда, дунё балиқчилигининг 1/3 қисми Обь дарёси ҳиссасига тўғри келади. Стерлядь, сиг, омуль, муксун каби балиқ турлари дарёнинг чинакам бойликларидир. Йирик сув оқимида чўртан, судак, қўқбўйин ва налим балиқлари ҳам бисёр.

2017-yil 22-iyul, № 58 (9019)

ХИССИЁТЛАРНИ БОШҚАРУВЧИ ОМИЛ

Калифорния университети олимлари ичак микрофлораси ва инсон руҳияти ўртасидаги боғлиқликни аниқлашди, дея ёзилади «ScienceAlert» нашрида. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ҳазм қилиш йўлларидаги бактериялар таркиби турли руҳий таъсирланишларни юзага келтиради. Тадқиқот натижалари «Psychosomatic Medicine: Journal of Behavioral Medicine» нашрида эълон қилинди.



Авалги тадқиқотларда ичак микроблари билан ҳайвон миясининг ўзаро боғлиқлиги етарлича ўз исботини топмаганди. Шу боис олимлар 18—55 ёшли 40 нафар соғлом аёл микрофлораси таркибини ўрганиб чиқди. Кўнгилчилар таҳлил натижаларига қараб икки гуруҳга ажратилди. Натижадан биринчи гуруҳдаги аёлларда «Bacteroides», бошқаларида «Prevotella» турига мансуб бактериялар кўплигини кўрсатди. Тадқиқотнинг кейинги босқичида мутахассислар функционал магнит-резонанс томография текшируви ёрдамида иштирокчилар миясини сканердан ўтказди. Кузатув аёлларда ижобий, салбий ва нейтрал ҳиссиётларни уйғотувчи тасвир намоён бўлгунга қадар давом этди.

Хулоса шуки, ичакларида «Bacteroides» бактериялари мавжуд инсонларнинг пешона соҳасидаги олтингугурт модда қатлами бошқалариникига нисбатан қалинроқ экан. Миянинг бу қисми мураккаб маълумотларни қайта ишлаш билан бирга хотира ривожланишини таъминлайди. Ҳиссиёт, диққат ва сезги ўртасидаги нейронли алоқалар эса ичакларида «Prevotella» бактерияси бор аёлларга хос. Бу гуруҳ аъзоларидан олинган таҳлилда гиппокамп (мия тизимининг бир қисми)да нейрон фаоллигининг ортганлиги кузатилди. Оқibatда, бундай аёлларда юқори даражадаги ваҳима, жиззакили ва беҳаловатлик намоён бўлди. Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, гиппокамп ҳиссий таъсирланишни назорат қилишини инобатга олсак, юқоридаги натижани ҳақиқатга яқин дейиш мумкин.

ҚАҲВА УМРНИ УЗАЙТИРАДИ(МИ?)

Америкалик бир гуруҳ олимлар ўтказган тадқиқотлар ҳар куни қаҳва истеъмол қилиш барча сабабларга кўра юзага келадиган ўлим хавфини камайтиришини кўрсатди. Илмий иш натижалари «Annals of Internal Medicine» журналыда чоп этилди.

Жанубий Калифорния университети мутахассислари тадқиқот учун 190 мингга яқин кўнгиллини жалб этди. Улар орасида оқ ва қора танли, келиб чиқиши ялпоялик бўлган америкаликлар ҳамда Лотин Америкаси аҳолиси бор. Тадқиқот давомида 45—75 ёшли иштирокчилар қаҳва истеъмол қилишига кўра, бир неча гуруҳга ажратилди.

Барча тўпланган натижалар шуни кўрсатдики, ҳар куни бир қадах қаҳва ичиш ўлим хавфини 12, уч қадах қаҳва истеъмол қилиш эса 18 фоизга камайтиради.

— Бу натижа ичимлик таркибидаги кофеинга боғлиқ эмас, — дейди тадқиқот муаллифларидан бири Вероника Сетяван. — Ҳамма гап, қаҳва саратоннинг олдини олишда муҳим роль ўйнайдиган антиоксидант ва феноль бирикмаларига бойлигидадир.



САРАТОНГА ҚАРШИ ВАКЦИНА СИНОВДАН ЎТДИ

Ушбу вакцинани синовдан ўтказган Америка, Германия ва Австрия онкологлари унинг хавфсиз ҳамда меланом(хавфли ўсимта тури)нинг олдини олишда самарали эканини таъкидлашди. «Nature» журналыда эълон қилинган ҳар иккала тадқиқот натижаларининг қисқача мазмунини «Nature News» нашрида келтирилди.

Биринчи тадқиқотда америкалик олимлар тери саратони билан боғлиқ 20 та шахсий неоантигенга йўналтирилган вакцинанинг илк клиник текширув натижаларига изоҳ берди. Унга кўра, вакцина билан эмланган 6 бемордан 4 нафарида 25 ой давомида меланомалар қайталаниши кузатилмаган.

Иккинчи тажрибада немис ва австриялик муаллифлар меланом билан касалланган 13 беморнинг аҳолини яхшилашга йўналтирилган рибонуклеин кислота асосли вакцинанинг илк қўллаш ҳолати ва таъсири ҳақида маълумот берди. Олимларнинг таъкидлашича, вакцина билан эмланган 8 беморда аввалги шишлар 23 ойдан сўнг йўқолиб кетган.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ ахбороти

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2017 йил 22 июнь кунини ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра, «O'ZKIMYOSANOATLOYIHA» АЖ балансидаги д/р 10/825 UAA бўлган «ГБА СПГ Дамас» — 21 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357



Мутахассислар эндиликда вакциналар текширувнинг иккинчи даврини бошлаб, саратоннинг бошқа турлари билан курашиш самарадорлигини аниқлашни режалаштирган.

«iPHONE 8» КОРПУСИ ЯНГИЧА КЎРИНИШДА

Бениамин Гескин(Benjamin Geskin)нинг хабар беришича, «iPhone 8» 4 хил ранг ва тўлиқ ойнали корпусда чиқарилади. «Apple» ходими бу ҳақида ўзининг «Twitter»даги саҳифасида маълум қилди.



Гескиннинг сўзларига кўра, «iPhone 8» «iPhone 7»дан деярли фарқ қилмайди, унинг асосий ўзига хослиги смартфонга ойнали корпус ўрнатилганидир. Афсуски, корпус учун танланиши мумкин бўлган уч ранг ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Ҳозир «iPhone 7» оч қора, ялтироқ қора, қизил, пушти, қумуш ва тилла рангларда чиқарилмоқда.

Компаниянинг янги маҳсулоти куз ойларида намоиш этилиши режалаштирилган. Маълумотларга қараганда, янги смартфон 5,8 дюймلى OLED-дисплейга эга. Айрим тахминларга кўра, мобиль аппаратда симсиз қувватлагич бўлиши мумкин.

ВЕГЕТАРИАНЧА ПАРҲЕЗНИНГ ХАВФЛИ ТУРИ АНИҚЛАНДИ

Америкалик олимлар саломатлик учун зарарли бўлган вегетарианча парhez номини маълум қилди. Тадқиқот ҳақидаги қизиқарли маълумотлар «Journal of the American College of Cardiology» нашрида босилди.

Мутахассислар ўз изланишлари орқали тозаланган дон маҳсулотларидан тайёрланган таомларни таркибидан қанд миқдори юқори бўлган маҳсулотлар билан истеъмол қилиш ва юрак-қонтомир касалликлари хавфининг орттиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлади.

Парhezнинг уч турини ўрганиб чиққан олимлар муайян хулосаларга келди. Мутахассислар танлаган парhezнинг биринчиси ўсимлик ва гўшт маҳсулотлари, иккинчиси тозаланган донлар, резаворлар, сабзавот ва мевалардан иборат эди. Овқатланиш тартибининг учинчи тури ҳам вегетарианча бўлиб, фақат унга қайта ишланган дон маҳсулотлари, қовурилган картошка ҳамда биروزгина ширин ичимликлар ҳам киритилди.

Олимлар узоқ йиллар давомида 200 мингдан ортиқ инсоннинг саломатлик ҳолатини кузатди. Тадқиқот аввалида юрак ишемик касалликлари, инсульт ва саратонга чалинган беморлар иштирок этмади. Буни қарангки, кузатувлар давомида 9 мингга яқин иштирокчида юрак ишемик касаллиги намоён бўлган. Саломатлик билан боғлиқ энг яхши кўрсаткич овқатланиш тартибининг иккинчи турига риоя қилган кишиларда кузатилди.

Демак, ўсимлик ва гўшт маҳсулотлари билан бир вақтда қовурилган картошка ҳамда ширин ичимликлар, хусусан, соғлиқ учун зарарли бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш юрак-қонтомир касалликлари хавфини ошириши мумкин. Шунинг исботламоқчи бўлган олимлар вегетарианча парhez асосида тузилган овқатланиш тартибининг ҳаммаси ҳам инсон саломатлиги учун бирдек фойдали эмаслигини қайд этди.

Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.

Алиева Тоҳирaxon Авазxonovнинг 14.00.06 — Кардиология ихтисослиги (тиббиёт фанлари) бўйича «Сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда нейрогуморал бузилишлар ва бета-адренорецепторлар гени полиморфизмининг клиник-прогностик хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 26 июль кунини соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51-уй.
Тел/факс: (0-371) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.

Ҳазраткулова Севара Мусинованинг 02.00.06 — Юқоримолекуляр бирикмалар ихтисослиги бўйича (кимё фанлари) «Табий оксикислоталар N-алмашган акриламидларининг радикал полимерланиши» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/Қ/Т.03.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 4 август кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7-Б уй. Тел.: (+99871) 241-85-94, факс: (+99871) 241-26-61; e-mail: polymer@academy.uz.

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда Фарғона томонда ҳалол бир савдогар бўлган экан. У бошқа шаҳарлардан ўзи яшайтган ҳудудга ноёб молларни олиб келар ва шу йўл билан юртдошларига нафи тегаркан. Одамлар у олиб келган нарсаларни хурсандлик билан харид қилишаркан. Унинг якка-ю, ягона ўғли бўлиб, кўни-кўшини ва танишлар отасини мақтаса, отам бадавлат бўлгани учун мақташади, — деб ўйларкан. Савдогар сафарда юриб, ўғли билан кам вақт бирга бўлгани боис, унинг тарбиясига унчалик эътибор бера олмаган экан. Натижада ўғли буй этиб, улғайганида ҳам бирор касбнинг бошини тутмабди. Аммо вақт ўз ишини қилиб, бир куни ота оғир хасталикка чалиниб қолибди. Шундагина ёлғиз ўғли йиғирмага тўлган бўлса-да, унга етарли эътибор бермаганини англабди. Ҳечдан кўра кеч, дея ёнига чорлаб, насиҳат қилибди:

— Ўғлим, умр бўйи ҳалол яшадим. Лекин ҳозир бемор пайтим сенга, сенинг тарбиянгга етарли вақт ажрата олмаганимни тушуниб етдим. Қазойим яқинга ўхшайди. Қаерга борган бўлсам, ҳамма жойда қўлимдан келганича эшик* қурганман. Ягона васиятим, шу эшикларга эгаллик қил. Ўзинг ҳам янги эшиклар қур.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у оламдан ўтибди. Ўғил эрка экану, лекин отасини жуда яхши кўраркан. Шу боис соғинчдан кўксини ерга бериб ётиб олибди. Хавотирланган она ўғилга отасининг васиятини эслатибди. Аммо у васиятни бажаришни хаёлига ҳам келтирмабди. Ҳозирча ёшман, бойлигим етарли, агар қийналиб қолсам отам қурган эшикларни сотиб ҳам яшайвераман, — деб ўйлабди. Вақт ўтган сари оила моддий жиҳатдан қийнала бошлабди. Шунда ўғил онасининг қистови билан

ноилож йўлга чиқибди. Хаёлида: "Отам хар бир борган ерида биттадан эшик қурган бўлса, ҳеч бўлмаганда ўнта эшик бор. Уларни сотиб, кун кўравераман-да. Фақат манзилларни аниқ сўраб олмабман, афсус", дебди. Онасидан отаси қаерларга борганини билиб олибди-ю, таваккал йўлга чиқибди.

Дастлабки манзил Андижон бўлибди. Бир неча кун одамлардан суриштириб, аниқ жавоб ололмабди. Кўплар отасини таниса-да, уй масаласидаги саволга елка қисиб қўйишаркан. Ниҳоят, ўғил маблағи тугаб бораётганини сезиб, бозордаги бўш пештахталардан бирида савдо қила бошлабди. Уч-тўрт кун ўтгач, бир киши

у турган жойга яқинлашиб, салом берибди-да:

— Ўғлим, сизнинг ўрнингизда аввал бошқа одам савдо қиларди. Анчадан бери кўринмайди. Кўп бор излаб келиб, тополмадим. Ўша кишига жуда ўхшаркансиз. Мабо-до ўғли ё қариндоши эмасмисиз?, — деб сўрабди.

Тасодифни қарангки, йигит айнан отасининг растасида савдо қилаётган экан. Суҳбат давомида бу инсон отаси ҳақида

бу ерга иш билан келганида доим унинг эшигига тушишини гапириб берибди.

— Ана энди сизга ҳам эшигим ҳамиша очик. Қачон бўлса ҳам тортинмай келаверинг, — дебди.

Бу гапларни эшитиб ҳам йигит ҳеч нарсага тушунмабди. Шу сабаб уй эгасига ўзини қизиқтирган саволни берибди. Мезбон доно одам экан. Йигитнинг сўзларини тинглаб, дадангиз бу ҳақда ҳеч

рени ривожлантиришини билдирибди. Буни эшитиб, таниши ҳам ёрдам беришини айтибди. Ижарага пул сарфлаб ўтирмай, бемалол унинг уйида туравериши мумкинлигини билдирибди. Кунлар, ойлар ўтиб, йигитнинг ишлари ривожлана бошлабди. Савдо билан қайси шаҳарга бормасин, отасининг ёру биродарлари уни ёлғизлатиб қўймабди. Эла-секин ўзи ҳам танишлар орттирибди. Ўша андижонлик кишининг кизига уйланибди. Бир куни суҳбатлашиб ўтиришганда қайнотаси ундан сўраб қолибди:

— Ўғлим, отангиз қурган эшикларни топдингизми?

Шунда йигит кулимсираб:

— Топдим, отажон, топдим, — дебди. — Ҳатто ўзим ҳам бир неча эшик қуриб қўйдим. Эҳ, отажон, отамнинг мажозий эшикларини мен дангиллама ҳовли деб тушунган эканман. Аслида одамлар кўнглига қурилган эшиклар ҳақида гапирган экан. Чунки оддий ҳовлилар бир кун эскириши, қулаши мумкин. Инсон дилига қурилган эшик эса абдий, у меҳр-оқибатдир. Агар отам сиздек инсоннинг дилига эшик қуриб қўймаганида, мен бу даражага ета олмасдим, балки.

КАРИМАБЕГИМ

* Эшик- Фарғонада ҳовлини "эшик" деб ҳам атайдилар.

ЭШИК

(Эртак)

сўраётганини билиб қолибди. Шунда падари вафот этганини, чиндан ҳам унинг ўғли эканини айтибди. У киши йигитга ҳамдардлик билдириб:

— Биродаримнинг ўғли экансиз. Бугун бизникида меҳмон бўлинг, — деб уйга таклиф қилибди.

Йигит таклифни қабул қилиб, ичида: "Яхши бўлди. Отамнинг эшиги ҳақида ҳам сўраб олам", — дея хурсанд бўлибди. Кечки пайт меҳмондорчиликда саволни бериш учун пайт пойлабди. Суҳбат қизиб, мезбон йигитнинг отаси унга кўп яхшиликлар қилганини, яқин биродар бўлиб қолганини,

нима айтмаган, — дея жавоб берибди.

— Нахот, сиздек дўстига ҳам индамаган бўлса? Ёки бошқа шаҳардамикан? — ҳайрон бўлибди ўғил.

— Балки шундоқдир, бошқа жойларга ҳам бориб кўринг, — дея унга бир неча манзилни айтибди. Агар топса, қайтишида албатта унга учраб кетишини илтимос қилибди. Йигит раҳмат айтиб, отасининг эшикларини излаб кетибди. Қаерга бормасин, уни иззат-икром билан кутиб олишар, аммо эшик масаласидаги саволга жавоб бера олишмас экан. Ҳафсаласи пир бўлган ўғил, излашдан чарчаб яна аввалги кишининг уйига қайтибди. Ҳеч нарса топа олмаганини айтиб, энди савдо ишла-

Кенжа қизининг шарҳи

(Эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонларда бир бойнинг уч паричеҳра қизи бўлган экан. Қизлар улғайгани сари бой буванин уйини совчи босибди. Шундай кунларнинг бирида бирваракайга уч кизига уч ёқдан совчи келибди. Бойнинг хотини қизларига:

— Ҳадеб куёв танлашни бас қилинглр. Шу йигитларга рози бўлсаларинг, учовларингнинг тўйларингни бир кунда ўтказардик, — дебди.

Тўнғич қиз куёвга катта ҳовли қуришни буюрибди. "Болаларимиз кенг ҳовлида яйраб ўсишини истайман", дебди. Ўртанча қиз эса катта боғ яратишни айтибди: "Фарзандларимиз боғ меваларидан тўйиб еб, пахлавон бўлишини истайман". Тўнғич ва ўртанча кизга харидор йигитларнинг бири ҳовли, иккинчиси боғ яратиш учун муҳлат сўраб, уй-уйига қайтибди.

— Опаларингнинг бири ҳовли, бири боғ сўради. Бўлғуси куёвлар шартни бажаргани кетди. Сен ҳам шартингни айт, — дебди кенжа қизга онаси. Кенжа қизни бир чўпон йигит сой бўйида кўриб қолиб, ошиқ бўлган экан, совчи қўйибди. Сулув қиз ўйлай-ўйлай шартини айтибди. Опалари унинг

устидан қулибди. Шу ҳам шарт бўлдим, дебди.

Онаси чўпон йигитнинг олдига чиқиб:

— Уч қизим юзига парда тортиб чиқади. Ичидан кенжа қизимни тополсанг, куёвим бўласан, — дебди. Йигит рози бўлибди. Уч опасингил бир хил кийиниб, юзига парда тортиб, чўпон йигит қарши-сида пайдо бўлибди. Чўпонга опасингиллар ичидан ўз суйганини топиш қийиндан-қийин кечибди. Улар эгизакдек эмиш. Қиз бу шартни бежиз қўймаганини англабди. Тополмагач, эртага келиб яна уриниб кўришга рухсат сўрабди. Кенжа қиз: "Розиман, фақат юртингизга келин қилиб олиб кетгач, онамни қачон кўраман десам, йўқ демасликка сўз беринг", дебди. Йигит шартни қабул қилиб, ортага қайтибди. Эртаси куни ҳам уч опасингилдан қай бирини сой бўйида кўрганини аниқ тополмабди. Яна уриниб кўришга рухсат сўрабди. Шунда қиз яна бир шартини баён қилибди: "Мен бор эканман, ўзга

санамга боқмайсиз". Чўпон буни ҳам қабул қилиб, ортага қайтибди.

Уйга келиб супада уй суриб ўтирса, шамол туриб, бошидаги дўпписини учуриб кетибди. Шунда йигитнинг хаёлига бир фикр келибди.


Эртасига жўраларидан бирини эргаштириб қизнинг қишлоғига йўл олибди. Бойнинг уйига уч чақиримлик йўл қолганда лозазор адир бор экан. Чўпон шу жойга етганда жўрасига: "Буёғига ўзинг бойнинг уйига борасан. Бўлғуси куёвингизнинг дўпписини шамол учуриб кетди. Босяланг келишга ори келиб адирда қолди. Бу гал қизлар адирга лола теришни баҳона қилиб чиқсин, шунда жўрам ўз ёрини топса, ошиғи олчи бўлар, топмаса — тақдирдан кўрар", дейсан. Ўзи эса шамолга ёлвориб шундай дебди:

Шамол, шамол,
Ёрнинг бошида рўмол.
Тезроқ уни олиб қоч,
Гулгун юзин менга оч.
Тополмасам бугун ҳам,
Шарт айтар бойнинг қизи,
Кейин бўлиб бошим ҳам,
Ўтар умрим ёз-киши.
Кўриб манинг бу ҳолим,
Ёрдамга кел, шамолим.

Ҳидоят ОЛИМОВА

2017-yil 22-iyul, № 58 (9019)

Хозирги кунда Ўзбекистоннинг энг кучли 20 нафар шахматчидан олти нафари ёшлар терма жамоаси аъзоларидир. Улар ўзбек шахматининг умиди, порлоқ келажги, таъбир жоиз бўлса, олтин авлоди вакиллари: Темура Кўйбоқаров (2468 рейтинг бали билан 7-ўринда, 2000 йили туғилган), Нодирбек Абдусатторов (2467, 8-, 2004), Нодирбек Ёқуббоев (2433, 10-, 2002), Жавоҳир Синдоров (2383, 17-, 2005), Шамсиддин Воҳидов (2383, 17-, 2002) ва Саидакбар Саидалиев (2373, 20-, 2001). Улар орасида энг ёши Жавоҳир Синдоров шу йил декабрь ойида 12 ёшга тўлади. Утган ойда пойтахтимиз мезбонлик қилган FIDEнинг 3.4-зонаси — Марказий Осиё чемпионатида 9 имкониятдан 6 очко жамғариб, 4-ўринни эгаллаган истеъдодли ёш шахматчимиз халқаро тоифадаги спорт устаси нормасини учинчи мартаба бажарди!



Таъкидлаш жоизки, бу мамлакатимиз микёсида рекорд натижа ҳисобланади. Таққослаш учун, ўзбекистонлик халқаро гроссмейстерлардан Тоҳир Воҳидов 30 (1993 йили), Михаил Салтаев 28 (1990), Саидали Йўлдошев 27 (1995), Алексей Барсов 26 (1992), Сергей Загребельный 25 (1990), Марат Жумаев 22 (1998) ёшида халқаро мастер (IM) унвонига сазовор бўлган. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё шахматчилари орасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер даражасига эришган Георгий Аъзамов ҳам собиқ иттифоқ даврида, яъни 1982 йили ушбу унвонга сазовор бўлганда 28 ёшда эди.

Эътибор беринг: аксар кучли шахматчиларимиз 25—30 ёшлар орасида шундай нуфузли унвонга сазовор бўлган. Бугунги шиддатли даврда бу ёшда спортчи, халқона айтганда, эришадиганига эришиб бўлиб, карьерасини тугатиш ҳақида ўйлаётган, баъзилари ўзини мураббийлик фаолиятига чоғлаётган бўлади. Ушбу шахматчиларимиз бундан олдинроқ мазкур унвонга эришишлари мумкинмиди? Албатта, мумкин эди! Уларнинг истеъдоди, салоҳияти бунинг учун етарли бўлган. Мисол учун, биринчи гроссмейстеримиз Георгий Аъзамовнинг бир қанча халқаро турнирларда голиб бўлгани, бир неча чиройли партиялари мутахассислар томонидан юксак эътироф этилиб, шахмат энциклопедияси ва бошқа шахмат адабиётлари саҳифаларидан ўрин олгани маълум. Бироқ ўша даврларда бошқа спорт турлари сингари шахматда ҳам халқаро микёсда эътирофга эришиш, халқаро мусобақаларда иштирок этиш имконияти ўзбекистонлик шахматчилар учун ниҳоятда чекланган эди.

яраша улар кўрсатаётган натижалар ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. 2012 йили Нодирбек Абдусатторов, 2015 йили Шамсиддин Воҳидов тенгқурлари ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Истеъдодли ёшларимиздан Темура Кўйбоқаров 16, Шамсиддин Воҳидов 14, Нодирбек Абдусатторов 12 ёшида халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига сазовор бўлди. Энди улар сафига 11 ёшли Жавоҳир Синдоров ҳам қўшилди.

Бу фактлар мамлакатимизда истиқлол берган имкониятлар туфайли шахмат жадал суръатларда ривожланаётганидан, юртимизда айниқса болалар спортига юк-

сида рапид йўналишида бронза медалига сазовор бўлди. Жавоҳир 2005 йил 8 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозир Сергели туманидаги 300-ИДУМ ўқувчиси. 11 яшар болакайнинг шахматдаги натижалари билан танишинг:

2012 йил декабрь — Шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари ўртасида Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионати блиц турнирида олтин, стандартда кумуш медал совриндори.

2013 йил январь — 10 ёшгача ўғил болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони.

2013 йил июнь — Эрон-

да Ўзбекистон чемпиони бўлди.

2015 йил май — Таиланднинг Паттайя шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида блиц йўналишида олтин медални кўлга киритди.

2015 йил август — Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида 8—18 ёшлилар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида стандарт ва рапид йўналишлари бўйича 2 та олтин медални кўлга киритди.

2016 йил февраль — 12 ёшгача ўғил болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони.

2016 йил декабрь — Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасида Жаҳон чемпионатида 2 медални кўлга киритди (классик йўналишида 2-ўрин, терма жамоа таркибида 1-ўрин).

2017 йил январь — 12 ёшгача ўғил болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони.

2017 йил апрель — 12 ёшгача ўғил болалар ўртасида классик шахмат ва блиц йўналишида олтин медал соҳибни, икки карра Осиё чемпиони.

Булар энди болалар ўртасидаги мусобақаларда эришилган натижалар. Жавоҳир бир неча йилдан буён катталар ўртасидаги мусобақаларда ҳам муваффақиятли донна сурмоқда. Жумладан, 2016 йили мамлакат чемпионати олий лига баҳсларида ilk бор иштирок этган бўлса-да, 4-ўринни эгаллаб ўзига хос шов-шув кўтарган эди. Чунки бу пайти у энди 10 ёшдан ошган эди-да. Ўзбекистон шахмати тарихида 10 яшар бола республика чемпионати олий лигасида 4-ўринни олиш туғул, ҳали ўйнамаган ҳам эди.

Уша йилнинг июнь ойида Чехияда бўлиб ўтган “Чех опен — 2016” халқаро турнирида Жавоҳир ўзидан рейтингига анча юқори бўлган 5 нафар халқаро гроссмейстер ва 2 нафар халқаро мастер билан дуранг ўйнаб, яна 2 партида галаба қозониб (биринчи ва мағлубиятга учрамасдан) ilk бор халқаро тоифадаги спорт устаси нормасини бажарган эди. 2017 йил баҳорда пойтахтимизда ўтказилган аънанавий “Tashkent open” — Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган халқаро турнирда 9 партиянинг 6 тасида галаба қозониб, 20 ёшгача ёшлар ўртасида биринчи ўринни олиш билан бирга, иккинчи бор халқаро тоифадаги спорт устаси нормасини бажарди. Ва ниҳоят, июнь ойида Тошкент шаҳри мезбонлик қилган FIDE 3.4-зонаси минтақавий (Марказий Осиё) чемпионатида 4-ўринни эгаллаб, учинчи бор халқаро тоифадаги спорт устаси нормасини бажарди.

Жавоҳир аини дамда (1 июль ҳолатида) жаҳоннинг 12, 13 ва 14 ёшли энг кучли шахматчилари рейтингининг кучли ўнлигидан жой олиб турибди. Яъни, 14 ёшлилар рейтингинида 9-, 13 ёшлилар ўртасида 7-ўринни банд этган, 12 ёшлилар орасида эса жаҳоннинг 2-рақамли шахматчиси ҳисобланади. У яқин келажикда янада баланд марраларни забт этиб, ўзбек шахматининг ҳақиқий жавоҳирга айланишига ишонимиз.

Хусан НИШОНОВ

11 ёшли Жавоҳир Синдоров

Шахмат бўйича халқаро мастер (IM) талабини бажарди!

Бугун эса имконияту шароитлар бутунлай бошқача. Мустақиллик туфайли ўзбекнинг қонидаги голиблик руҳи қайтадан уйғонди. Бу руҳни уйғотиш, жаҳон ареналарида музаффар мавқени эгаллашимиз учун давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан бор имкониятлар ишга солинмоқда. Ёш спортчиларимиз, жумладан, шахматчиларимиз иқтидорини тўла намоён этиши учун яратилаётган имкониятларни яқин ўтмишдаги ҳолат билан умуман солиштириб бўлмайди.

Шахматчини мусобақа тоблайти. Ёш шахматчиларимиз дунёнинг исталган бурчагида ташкил этилаётган нуфузли турнирларда, қитъа ва жаҳон чемпионатларида иштирок этиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Шунга

сак эътибор қаратилаётганидан дарак беради.

Ака-ука Жавоҳир, Ислоҳбек ва Ҳумоюн Синдоровлар шахматда эришаётган натижалар бугун барчамизни қувонтирмоқда. Жавоҳир ва Ислоҳбек мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатининг бир неча карра голибларидир. Энди 8 ёшни тўлдирган Ҳумоюн ҳам акалари изидан ғайрат билан бормоқда.

2016 йил июлида Эроннинг Техрон шаҳрида ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионатида 7 ёшлилар орасида рапид йўналишида Осиё чемпиони бўлди. Шу йил баҳорда пойтахтимиз мезбонлик қилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эса, 8 ёшгача ўғил болалар ўртаси-

нинг Сари шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида 8 ёшгача болалар ўртасида шахматнинг блиц йўналишида кумуш медалга сазовор бўлган.

2013 йил декабрь — Бирлашган Араб Амирикларининг Ал-Айн шаҳрида ўтказилган 8 ёшгача болалар ўртасида жаҳон чемпионатида блиц турнирида 2—5-ўрин.

2014 йил январь — 10 ёшгача ўғил болалар ўртасида Ўзбекистон чемпионати кумуш медал совриндори.

2014 йил июнь — Грециянинг Кавала шаҳрида ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасида жаҳон чемпионатида рапид ва блиц йўналишларида икки олтин медални кўлга киритган.

2015 йил февраль — 10 ёшгача ўғил болалар ўртаси-

Спортчи оилалар мусобақаси

Нукусда “Отам, онам ва мен — спортчи оила” мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқич бўлиб ўтди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада

Президентимиз раҳнамолигида оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш орқали спортнинг оммавийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани тасдиқланди.

Мусобақада унинг қуйи босқичларида голибликни кўлга киритган 15 оилавий жамоа ўзаро баҳслашди. Тўсиқлар оша эстафета, ким чакқон ва мерган, моҳир ҳужумчи, арқон тортиш, ким эпчил ўйинчи каби 7 шарт бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган Нукус шаҳри Турон маҳалласида яшовчи Ўролбой Бекниёзов оиласи биринчи ўринни эгаллади.

Иккинчи ўринга Кегейли туманидаги “Обод” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Нукусбой Ережепов оиласи, учинчи ўринга Қораўзак тумани Муस्ताқиллик хиёбони маҳалласида яшовчи Азамат Рейимов оиласи сазовор бўлди.

Ҳалилар мусобақа ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган сурат.



Ягонасан, муқаддас Ватан!

Мамлакатимизда айни дамда мустақиллигимизнинг 26 йиллик шодиёнаси муносабати билан турли тадбир ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Яшнобод туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар bosқичида ҳам Ватанни мадҳ этувчи куй-кўшиқлар янгради.



Ижодий беллашувда пойтахтимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари, «Баркамол авлод» болалар марказлари тарбияланувчилари ҳамда маданият уйлари ходимларидан иборат 50 нафардан зиёд иштирокчи мустақиллик, тинчлик, ҳамжихатлик ва дўстликни тараннум этувчи кўшиқлар куйлаб, ўз салоҳиятини намойиш қилди.

— Бундай ижодий беллашувлар ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар, юрт тақдирига дахлдор қилиб улгайтиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув ва маърифий ишлари бўйича ўринбосари Маҳбуба Одилова. — Танловда эстрада ва хонандалик йўналишида қатнаш-

ган таълим муассасамиз ўқувчилари — Фирдавс Авезов ва Қобил Аъзамов иккинчи, ва учинчи ўринни эгаллаб, беллашувнинг республика bosқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уларнинг муваффақиятидан хурсандмиз.

Кўрик-танлов қаншчиларининг ижод намуналарини тажрибали санъаткорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Ёши, профессионал тайёргарлиги турлича бўлган ижрочилар орасидан энг муносиблари сараланиб, кўрик-танловнинг мамлакат bosқичига йўлланма берилди.

Ҳасан МҮМИНОВ,
«Ma'rifat» муҳбири



В.ГРАНКИН олган суратлар.

Оромгоҳ бағридаги таътил

Бухоро туманидаги «Ёш пахтакор» болалар оромгоҳида айни кунларда 180 ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда.

«Бухоропахтасаноат» худудий бирлашмаси тасарруфидоги ушбу оромгоҳда болалар кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши ва саломатлигини тиклаши учун барча шароит яратилган. Бадиий ижодиёт, умумтаълим фанлари ва спорт йўналишида тўғрақлар йўлга қўйилган. Турли маданий-маърифий кечалар, интеллектуал танловлар, китобхонлик тарғиботи бағишланган тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда. Табиат қўйнига уюштирилаётган сайёҳатларда болалар атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда турфа ўсимликлар парваршига оид билимини бойитмоқда.

ЎЗА фотомуҳбири
Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan ва маданият
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh муҳаррир **Abdusamat RAHIMOV**

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-715. Tiraj 34528.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92 (faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Ilhom JO'RAYEV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

ЎЗА yakuni — 23.00 Topshirildi — 00.40

1 2 4 5 6